

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

ЯНВАРЬ - МАРТ

Бухоро – 2020 йил

СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси - Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йил январь-март ойлари яқунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, инвестицион фаоллик, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, қурилиш, ташқи иқтисодий алоқалар, транспорт, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Дастлабки ҳисоблар асосидаги маълумотларга келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий махсулот	л.	–	литр
фоиз.	–	Фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта кўп
млн.	–	миллион	–	–	қўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3).....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	Бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	6
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	7-10
II. САНОАТ	11-25
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	26-42
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	43-65
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	66-74
VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	75-91
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	92-114
VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	115-132
IX. ТРАНСПОРТ	133-141
X. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ	142-149
XI. ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ	150-160
XII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ	161-170
XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	171-179

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь-март</i>	<i>2019 йил январь-мартга нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	<i>млрд. сўм</i>	4908,0	105,1
Саноат маҳсулоти	<i>млрд. сўм</i>	3908,7	105,6
Истеъмол товарлари	<i>млрд. сўм</i>	1163,2	105,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	<i>млрд. сўм</i>	2174,5	104,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	<i>млрд. сўм</i>	1544,9	85,5
Қурилиш ишлари	<i>млрд. сўм</i>	918,6	111,4
Юк айланмаси	<i>млн. тн-км</i>	375,5	103,4
Йўловчи айланмаси	<i>млн. йўловчи-км</i>	2279,5	102,9
Чакана товар айланмаси	<i>млрд. сўм</i>	2388,6	103,2
Хизматлар, жами	<i>млрд. сўм</i>	2194,0	109,7
Ташқи савдо айланмаси	<i>млн. АҚШ долл.</i>	195,5	67,3
Экспорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	60,7	97,6
Импорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	134,8	59,1
Сальдо (+;-)	<i>млн. АҚШ долл.</i>	-74,1	x

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 4908,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 105,1 фоизга тенг бўлди.

Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ ишлаб чиқариш

	млрд. сўм		2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	4298,8	4908,0	105,1
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3838,5	4605,3	105,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	460,3	302,7	105,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3838,5	4605,3	105,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	970,9	1254,9	104,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1312,1	1462,9	107,0
саноат	980,5	1054,8	105,6
қурилиш	331,6	408,1	111,4
хизматлар	1555,5	1887,5	103,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	389,6	461,3	102,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	326,5	368,2	103,3
бошқа хизмат тармоқлари	839,4	1058,0	103,6

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 104,9 фоиз (ЯҲМ таркибидаги улуши – 27,2 фоиз), саноат – 105,6 фоиз (22,9 фоиз), қурилиш – 111,4 фоиз (8,9 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,9 фоиз (10,0 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 103,3 фоиз (8,0 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,6 фоиз (23,0 фоиз) ни ташкил этди.


ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
(2020 йил январь-март)




Жорий йил январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (107,0 фоиз), хизматлар (103,4 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (104,9 фоиз) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби. (фоизда)

2019 йил январь-март



2020 йил январь-март




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 65,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-март ойларида 62,7 фоизни ташкил қилган.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

2019 йил январь-март

2020 йил январь-март



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2020 йил январь – март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 41,0 фоиз (2019 йил январь - март ойларида 40,6 фоиз) ни ташкил қилди.


Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 10,0 фоизни (2019 йил январь - март ойларида 10,2 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 8,0 фоизни (8,5 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 23,0 фоизни (21,9 фоиз) ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2547,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 фоизга ўсди.

II. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан ҳажми 3908,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти физик ҳажм индекси 105,6 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)




Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,3 фоизга ўсиши билан бирга, тоғ-кон саноати ва очиқ конларда ишлаш бўйича 33,8 фоизни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 103,4 фоизни ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 81,4 фоизни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

**2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотини ишлаб чиқариш**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	3908,7	105,6
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	66,1	33,8
<i>улардан:</i>		
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	4,2	115,7
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	61,9	85,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	3679,2	118,3
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	511,2	100,0
Тўқимачилик, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлари ишлаб чиқариш	831,9	95,5
Ёғоч ва пўкак буюмлар , похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	22,3	107,3
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,4	114,6
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1972,4	96,4
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	72,4	119,0
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	2,5	89,6
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	191,5	114,0
Металлургия саноати	6,3	69,2

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш	66,4	5,1 м.
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	0,9	14,6 м.
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	135,2	103,4
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	28,2	81,4

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)
(январь-март)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда,

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 66,1 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,7 фоизни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар 85,1 фоизга камайган, тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият – 115,7 фоизга кўпайган.

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3679,2 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 94,1 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Ўлчов бирлиги	2020 йил январь-март	2019 йил январь- мартга нисбатан фоиз
Бензин	минг тн.	198,1	115,8
Дизел ёқилғиси	минг тн.	158,6	83,0
Мазут	минг тн.	19,4	114,1
Керосин	минг тн.	36,1	115,7
Суюлтирилган газ	минг тн.	3,0	123,4

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь-март</i>	<i>2019 йил январь- мартга нисбатан фоиз</i>
Арок	минг л. 100фоиз спирт	307,5	117,9
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг л. 100фоиз спирт	4,7	197,1
Узум виноси	минг л.	190,9	112,7
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн.	21970,2	103,5
Тозаланган ўсимлик ёғи	тн.	6532,9	68,6
Пахта толаси	минг тн.	27590,0	59,7
Пахта (линти)	тн.	2294,0	56,4
Пахта чигити	минг тн.	46247,0	66,6
Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар	минг тн.	29568,7	67,5
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	тн.	690,9	68,5
Дон экинларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган кепак, чигит ва бошқа чиқиндилар	минг тн.	6887,9	102,3
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озука (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	минг тн.	10674,1	102,6
Чакана савдо учун қадоқланган пахтадан йигирилган ип	тн.	1937,0	-
Бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар	тн.	169,0	14,1
Йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар	минг тн	3377,2	22,9


Шу билан бирга, охириги 5 йилнинг тегишли даврлари мобайнида ун маҳсулотлари энг кўп ишлаб чиқариш 2020 йилнинг январь-март ойларига тўғри келмоқда(2016 йил–19,7 минг тонна, 2017 йил – 20,5 минг тонна, 2018 йил – 18,7 минг тонна, 2019 йил – 21,2 минг тонна, 2020 йил – 22,0 минг тонна)

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 100,0 фоизни, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари 96,4 фоизни, мебел ишлаб чиқариш 123,6 фоизни, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш 22,7 фоизни ташкил этган бўлса, бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш 121,1 марта ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 0,1 фоизни, ўрта-юқори технологияли 1,8 фоизни, ўрта-қуйи технологияли 60,9 фоизни, қуйи технологияли 37,2 фоизни ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг январь-март ойларида 82,2 млрд.сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Жорий йил январь-март ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 135,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 3,5 фоизни) ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,4 фоизга кўпайганлиги кузатилди.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь-март</i>	<i>2019 йил январь-мартга нисбатан, фоиз</i>
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Г.кал.	376,2	92,0

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 28,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,7 фоизни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича хизматлар 81,4 фоизга камайганлиги кузатилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Ҳисобот даврида 1163,2 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-мартга нисбатан 105,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 422,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 740,7 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 101,4 фоиз ва 108,6 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини кўллаб қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида вилоят бўйича истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 1163,2 млрд.сўмни ташкил этди ва 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 105,9 фоизлик ўсиш таъминланди, жами саноатдаги улуши эса 29,8 фоизга тенг бўлди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари
(2020 йил январь-март)

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	1163,2	105,9
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	422,5	101,4
ноозик-овқат товарлари	740,7	108,6

Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 422,5 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 36,3 фоиз, жумладан, ноозик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 740,7 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 63,7 фоизни ташкил этди.

Кейинги беш йилнинг тегишли даврларидаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни таққослаганда, ушбу кўрсаткичнинг истеъмол товарларининг умумий ҳажмидаги энг катта улуши 2018 йилнинг январь-март ойларига тўғри келмоқда (2016 йил – 32,6 фоиз , 2017 йил – 49,0 фоиз, 2018 йил – 51,0 фоиз, 2019 йил – 36,1 фоиз, 2020 йил – 36,3 фоиз).


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда,
(январь-март)



Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бухоро вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Қоровулбозор тумани (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 52,0 фоиз улуши), Бухоро шаҳри (11,3 фоиз), Ёиждувон тумани (8,1 фоиз), Когон шаҳри (5,1 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида




Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Когон (2019 йил январь-март ойларида нисбатан 135,8 фоизга), Шофиркон (129,9 фоизга), Ёиждувон (119,9 фоизга) туманлари ва Бухоро (107,1 фоизга) шаҳрида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(2020 йил январь-март)

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд.сўмда ¹⁾</i>	<i>2019 йил нисбатан, фоизда</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд.сўмда¹⁾</i>	<i>2019 йил нисбатан, фоизда</i>
Бухоро вилояти	3908,7	105,6	1163,2	105,9
Бухоро ш.	441,4	107,1	235,0	97,8
Когон ш.	200,5	105,5	62,2	75,0
<i>туманлар:</i>				
Бухоро	71,4	67,2	66,9	104,5
Вобкент	80,8	76,2	62,6	104,9
Жондор	102,3	81,6	64,1	102,8
Когон	131,1	135,8	52,6	105,9
Олот	102,0	90,5	25,3	106,4
Пешкў	104,4	103,0	27,4	112,0
Ромитан	113,6	81,8	47,8	109,4
Шофиркон	104,1	129,9	46,7	101,5
Қоракўл	107,3	86,4	84,6	151,9
Қоровулбозор	2031,5	100,5	295,3	115,6
Ғиждувон	318,3	119,9	92,7	102,1

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда


2020 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарларининг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоизда



2020 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарларининг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши энг кўп Қоровулбозор туманида 25,4 фоиз ҳамда Бухоро шаҳрида 20,2 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Қоровулбозор тумани (111007,7 минг.сўм) ва Когон шаҳри (3281,4 минг.сўм) ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (2028,9 минг.сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2020 йил январь-март)




Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Когон (2019 йил январь-март ойларига нисбатан 132,7 фоизга), Шофиркон (128,0 фоизга) ва Ғиждувон (118,1 фоизга) туманларида кузатилган бўлсада, фақатгина Бухоро (65,9 фоизга) ҳамда Вобкент (74,8 фоизга) туманларида ўсишнинг паст суръати кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш физик ҳажми индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121,7 фоизга ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши эса 26,4 фоизни ташкил этмоқда.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Вобкент (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 фоиз), Когон (98,1 фоиз), Бухоро (100,0 фоиз) туманларида, ҳамда Бухоро (61,1 фоиз) шаҳрида кузатилди. Шу билан бирга, энг кам улуш Пешкў (26,4 фоиз), Қоровулбозор (0,7 фоиз) туманлари ҳамда Когон (23,3 фоиз) шаҳрида кузатилди.

**Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда
(2020 йил январь-март)**



**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши**

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 23 та лойиҳа бўйича 82,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, январь-март ойларида 1954,15 минг АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди.


**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-март)**

	2019 йил	2020 йил
Лойиҳалар сони, бирлик	12	23
Корхоналар сони, бирлик	7	22
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	12,2	82,2
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, млн. АҚШ долл.	-	2,0
Яратилган янги иш ўринлари, бирлик	10	217

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида вилоятдаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 220,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 80,3 фоизни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 6,8 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 5,6 фоизни ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 бандга камайган.


Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз



Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 3730 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан Бухоро шаҳрига 1127 таси, Ғиждувон туманига 455 таси, Бухоро туманига 298 таси, Когон туманига 291 таси, Жондор туманига 272 таси, Ромитан туманига 229 таси, Шофиркон туманига 193 таси, Қоракўл туманига 173 таси, Вобкент туманига 163 таси, Когон шаҳрига 161 таси, Пешкў туманига 150 таси, Олот туманига 111 таси ва Қоровулбозор туманига 107 аси тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик
(2020 йил январь-март)




Жорий йил январь-март ойларида вилоятда 230 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан Бухоро шаҳрига 21,7 фоизи, Ғиждувон туманига 17,0 фоизи, Вобкент туманига 9,6 фоизи, Ромитан туманига 7,8 фоизи, Шофиркон туманига 6,5 фоизи, Когон туманига 6,5 фоизи, Пешкў туманига 5,7 фоизи, Бухоро туманига 5,2 фоизи, Когон шаҳрига 5,2 фоизи, Жондор туманига 4,8 фоизи, Олот туманига 4,4 фоизи, Қоракўл туманига 4,3 фоизи ҳамда Қоровулбозор туманига 1,3 фоизи тўғри келади.

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


Дастлабки маълумотларга кўра, вилоятда 2020 йил январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 2174,5 млрд.сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми 107,3 млрд.сўмни (116,6 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 2012,0 млрд.сўмни (103,9 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,6 млрд. сўмни (106,7 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 18,8 млрд. сўмни (186,9 фоиз), овчилик хўжалигида 0,3 млрд.сўмни (100,7 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 30,5 млрд.сўмни (101,5 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) ҳажмининг тақсимланиши, фоизда




- Ўрмон хўжалиги
- Балиқ хўжалиги
- Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар
- Деҳқончилик
- Чорвачилик
- Хизматлар (овчилик билан)

**2020 йил январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми ва ўсиш суръатлари**



Хусусан, юкори ўсиш суръатлари Бухоро шаҳрида (117,2 фоиз), Жондор (110,6 фоиз) ва Қоровулбозор (109,1 фоиз) туманларида кузатилди. Когон (98,9 фоиз) шаҳрида ва Пешкў (103,3 фоиз) туманида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лар
ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**




Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Бухоро туманининг улуши 12,4 фоизни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Жондор ва Шофиркон туманлари мос равишда 12,0 фоиз ва 10,2 фоиз кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади, энг кам улуш Бухоро шаҳар (2,2 фоиз) ва Қоровулбозор (2,3 фоиз) туманларида қайд этилди.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 2019 йил мос даврига нисбатан 104,5 фоизни, шу жумладан деҳқончилик маҳсулотлари 116,6 фоизни ва чорвачилик маҳсулотлари 103,9 фоизни ташкил қилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида
деҳқончилик ва чорвачиликнинг улуши, фоизда**



**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши, фоизда**



2020 йил январь-март ойларида 2119,3 млрд. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ушбу ҳажмнинг 107,3 млрд. сўмга тенг қисми ёки 5,1 фоизи деҳқончилик, 2012,0 млрд. сўмга тенг қисми ёки 94,9 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда Бухор шаҳрида, Бухоро ва Қоровулбозор туманларида асосан деҳқончилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатди. Ушбу туманларда жами


қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 32,7–7,2 фоизини деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади. Шунингдек, Олот, Вобкент, Қорақўл, Когон туманларида асосан чорвачилик соҳасининг анча ривожланганлигини кузатиш мумкин. Ушбу ҳудудларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 99,7– 96,6 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши, фоиз



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 90,8 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 6,1 фоизи фермер хўжаликларига, 3,0 фоизи қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида, фоиз ҳисобида



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча туман ва шаҳарларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши кузатилди.

2020 йил январь-март ойлари якунларига кўра фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Қоровулбозор (16,8 фоизи), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори

улуши Вобкент (98,4 фоизи) ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Когон (11,8 фоизи) туманларида қайд этилди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич эса Вобкент (1,6 фоизи), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Қоровулбозор (77,3 фоизи) ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Олот (0,1 фоизи) туманларида қайд этилди.

Деҳқончилик

Вилоят бўйича 2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларнинг ҳажми 107,3 млрд.сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 116,6 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 5,1 фоизни ташкил қилди. Жорий йил январь-март ойларида сабзавот 4586 тонна (2019 йил шу даврига нисбатан 43,7 фоизга кўп) йиғиб олинди.

Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши, фоиз ҳисобида



Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб қолмоқда, ҳисобот даврида умумий сабзавотлар ҳажмининг 44,1 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилди.

2020 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Сабзавотлар (тонна)



Чорвачилик



2020 йил январь - март ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2012,0 млрд.сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 94,9 фоизни ташкил этди.


2020 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 45832 тонна гўшт (2019 йил январь - мартга нисбатан 4,5 фоизга кўп), 185,1 минг тонна сут (2,3 фоизга кўп), 82,8 млн.дона тухум (7,1 фоизга кўп), 108 тонна жун (1,9 фоизга кўп), 143,7 минг дона қоракўл тери (ўтган йилга нисбатан 1,0 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2020 йил январь-март ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	миқ-дори	ўсиш суръати, фоиз	миқ-дори	ўсиш суръати, фоиз	миқ-дори	ўсиш суръати, фоиз	миқ-дори	ўсиш суръати, фоиз
Гўшт тирик вазнда, тонна	45832	104,5	1368	114,3	43653	103,5	811	170,0
Сут, тонна	185128	102,3	9724	103,1	174781	102,4	623	77,4
Тухум, минг дона	82769	107,1	9158	182,9	36277	103,7	37334	100,0
Жун, тонна	108	101,9	6	120,0	100	101,0	2	100,0
Қоракўл тери дона	143654	101,0	10257	102,6	131674	100,6	1723	129,7

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тирик вазнда гўштнинг умумий ҳажмидан 95,2 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим, шунингдек сутнинг 94,4 фоизи, тухумнинг 43,8 фоизи, жуннинг 92,6 фоизи, қорақўл терининг 91,7 фоизи ҳам деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши



**2020 йил 1 апрель ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоиз	минг бош	ўсиш суръати, фоиз	минг бош	ўсиш суръати, фоиз	минг бош	ўсиш суръати, фоиз
Йирик шохли қорамоллар	1217,3	100,8	72,8	113,0	1132,3	100,4	12,2	83,0
<i>шу шумладан</i> сигирлар	396,1	100,8	22,1	113,9	371,5	100,1	2,5	96,2
Қўй ва эчкилар	2186,2	102,9	272,7	109,7	1761,0	101,4	152,5	109,6
Паррандалар	5163,5	112,4	1338,9	2,8 м.	2753,5	100,7	1071,1	77,3

**Ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик
маҳсулотларини ҳудудлар кесимида тақсимланиши**

Гўшт (минг т.)



Сут (минг т.)



Тухум (млн.дона)

Балиқ (тонна)



2020 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>
Йирик шохли қорамол	1217,3	100,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	72,8	113,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1132,3	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	12,2	83,0
улардан сигирлар	396,1	100,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	22,1	113,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	371,5	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,5	96,2
Қўй ва эчкилар	2186,2	102,9

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>
--	-----------------	-------------------------------

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари	272,7	109,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1761,0	101,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	152,5	109,6
Отлар	5,5	105,6

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари	1,4	121,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,4	112,8
Паррандалар	5163,5	112,4

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари	1338,9	2,8 м.
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2753,5	100,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1071,1	77,3

2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	<i>Миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>
--	----------------	-------------------------------

Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	45,8	104,5
--------------------------------------	-------------	--------------

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари	1,4	114,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	43,7	103,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,8	170,0

Сут, минг тн.

185,1

102,3


шу жумладан:

	<i>Миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>
Фермер хўжаликлари	9,7	103,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	174,8	102,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,6	77,4
Тухум, млн. дона	82,8	107,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	9,2	182,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	36,3	103,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	37,3	100,0

Йирик шохли қорамоллар ва паррандалар бош сони

2020 йил 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1217,3 минг бошни, шу жумладан сигирлар 396,1 минг бошни, қўй ва эчкилар 2186,2 минг бошни, от – 5455 бошни, паррандалар 5163,5 минг бошни ташкил этди. 2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 9,9 минг бошга (0,8 фоизга), шу жумладан сигирлар 3,1 минг бошга (0,8 фоизга), қўй ва эчкилар 61,7 минг бошга (2,9 фоизга), отлар 289 бошга (5,6 фоизга), паррандалар 569,2 минг бошга (12,4 фоизга) кўпайди.

**Хўжалик тоифаларининг чорва моллари
ва паррандалар бош сонидаги улуши, фоиз ҳисобида**



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2020 йил 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамоллар 6,0 фоизи фермер хўжаликларига 93,0 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,0 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда кўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 12,5 фоизи фермер хўжаликларига, 80,5 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 7,0 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 25,9 фоизи фермер хўжаликларига, 53,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 20,8 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

**2020 йил 1 апрель ҳолатига шаҳар ва туманлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

Йирик шохли қорамоллар (минг бош) шу жумладан: сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)



Фермер хўжаликлари. 2020 йил январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 129,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 6,1 фоизни ташкил этди.

2020 йил 1 апрель ҳолатида фермер хўжаликларида 72,8 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 22,1 минг бош сигир, 272,7 минг бош қўй ва эчкилар, 1338,9 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2019 йил январь-март ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 13,0 фоизга кўп, қўй ва эчкилар 9,7 фоизга, паррандалар 182,9 фоизга кўпайган.

2020 йил январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари


	2019 йил		2020 йил		ўсиш суръати, фоиз
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	1197	2,7	1368	3,0	114,3
Сут	9430	5,2	9724	5,3	103,1
Тухум, минг дона	5006	6,5	9158	11,1	182,9
Қорақўл тери, дона	10001	7,0	10257	7,1	102,6
Жун	5	4,7	6	5,5	120,0
Овланган балиқ	37	7,0	70	6,7	189,2
Сабзавот	462	14,5	537	11,7	116,2

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1544,9 млрд.сўм (доллар эквивалентида 0,2 млрд. АҚШ долл.) миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 85,5 фоизни ташкил қилди. Жорий йилда тоғ-кон саноати ва очиқ конларда ишлаш фаолиятига киритилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайиш кузатилди.

Асосий капиталга инвестициялар йиллар бўйича динамикасини кузатадиган бўлсак, 2015 йилда – 4,1 трлн. сўм ёки 98,7 фоиз ўсишни, 2016 йилда – 5,9 трлн. сўм ёки 120,8 фоиз ўсишни, 2017 йилда – 11,6 трлн. сўм ёки 154,7 фоиз ўсишни, 2018 йилда – 9,6 трлн. сўм ёки 60,6 фоиз, 2019 йилда – 9,9 трлн. сўм ёки 91,3 фоиз ташкил этган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда
(январь-март)




Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Вобкент (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 2,3 марта кўп, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 60,7 млрд. сўм), Қоровулбозор (2,1 марта кўп, 36,3 млрд. сўм), ҳамда Қорақўл (2,0 марта кўп, 60,4 млрд. сўм) туманларида кузатилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Бухоро шаҳри етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 29,7 фоизи ўзлаштирилди.

Шунингдек, Олот тумани жами инвестициялар ҳажмидан 19,3 фоизини, Ғиждувон тумани 10,3 фоизини ташкил этмоқда. Ромитан ва Бухоро туманида ушбу кўрсаткич мос равишда 6,4 фоизи ва 5,7 фоизини ташкил этди.

Қоровулбозор туманида ва Когон шаҳрида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг вилоятдаги улуши 2,3 фоизи ва 1,1 фоизини ташкил этди.

Аҳоли жон бошига киритилган инвестициялар
(2020 йил январь-март)




2020 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Қоровулбозор тумани (1983,4 минг сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 2,1 марта кўп), Олот туманида (3002,5 минг сўм, 95,5 фоиз) ҳамда, Бухоро шаҳрида (1636,2 минг сўм, 116,6 фоиз) туманларида қайд этилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган


	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1544,9	85,5	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	227,3	91,7	14,7
бюджет маблағлари	59,0	75,7	3,8
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамгармаси	0,7	9,7	0,05
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	167,6	103,2	10,9
Марказлашмаган инвестициялар	1317,6	84,5	85,3
корхоналарнинг ўз маблағлари	256,4	100,1	16,6
аҳоли маблағлари	324,6	131,2	21,0
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	452,2	65,5	29,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	284,4	77,3	18,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(январь-март)




Марказлашган молиялаштириш манбаалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажми 2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 91,7 фоизни ташкил этиб, 227,3 млрд. сўмга етди. Жами инвестициялар ҳажмида эса марказлашган молиялаштириш манбаалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг улуши 14,7 фоиз (2019 йил январь-март ойларида 13,7 фоиз) ни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари
(январь-март жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда)



Шундан, бюджет маблағлари 59,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 75,7 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 3,8 фоиз), сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 0,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,7 фоизни ташкил этди, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 167,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 10,9 фоиз).

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган
молиялаштириш манбалари**
(январь-март жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда)



Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 1317,6 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 84,5 фоизни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 85,3 фоиз) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, 452,2 млрд. сўмни ташкил этди, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 65,5 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 29,3 фоиз), корхоналарнинг ўз

маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 256,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 16,6 фоиз), аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 324,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 131,2 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 21,0 фоиз), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 284,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 77,3 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 18,4 фоиз).

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

	Жами инвестициялар, млрд.сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жами нисбатан, фоиз)				
		Республика бюджети	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Сув таъминоги ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси
Бухоро вилояти¹⁾	1544,9	3,8	37,7	18,4	40,1	0,05
Бухоро ш.	459,0	6,1	46,7	9,8	37,4	-
Когон ш.	15,9	0,2	69,5	20,7	9,6	-
<i>туманлар</i>						
Бухоро	88,7	0,3	50,5	13,8	35,4	-
Вобкент	60,7	1,3	36,6	14,8	47,3	-
Жондор	87,6	0,9	36,2	41,1	21,8	-
Когон	64,5	0,8	37,3	15,5	46,4	-

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшиган ҳолда

	Жами инвестициялар, млрд.сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жами нисбатан, фоиз)				
		Республика бюджети	Қорхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси
Олот	297,5	0,7	9,7	10,2	79,4	0,05
Пешқў	51,6	3,0	58,7	26,6	11,7	-
Ромитан	99,0	3,1	65,9	12,2	18,8	-
Шофиркон	65,2	2,7	43,0	8,8	45,5	-
Қорақўл	60,4	27,7	40,4	28,4	3,5	-
Қоровулбозор	36,3	4,1	29,5	24,1	42,3	-
Ғиждувон	158,5	1,2	28,4	51,2	19,2	-


2020 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

млрд. сўм

	жами	давлат	нодавлат
Жами	1544,9	255,6	1289,3
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	47,2	85,8	39,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	44,4	11,4	51,0
бошқа харажатлар	8,4	2,8	9,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 7,0 пунктга камайган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 13,3 пунктга ошган, бошқа харажатлар 6,3 пунктга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)
(январь-март)



- Уй-жой қурилиш
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Ташиш ва сақлаш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида юқоридаги диаграммада кўрсатиб ўтилганидек, ишлаб чиқариш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 375,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг

24,3 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 212,0 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 13,7 фоизи тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тўғри келади.

Шунингдек, асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари тоғ-кон саноати ва очик конларда ишлаш 9,4 фоизи, уй-жой қурилишига 13,6 фоизи, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 14,1 фоизи, қурилишга 9,7 фоизи, ташиш ва сақлаш хизматларига 6,2 фоизи ва бошқа фаолият турларига 22,7 фоизи тўғри келади.

Турар жой қурилишига инвестициялар аҳолини намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган ва арзонлаштирилган уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда аҳоли томонидан яқка тартибдаги турар-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Умумий ҳажмдаги улуши, фоиз</i>
Жами	1544,9	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
янги қурилиш	818,0	52,9
кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуролантириш	501,7	32,5
бошқа йўналишлар	225,2	14,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби бўйича умумий ҳажмидан янги қурилишга 818,0 млрд. сўм ёки 52,9 фоизи, кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуролантиришга 501,7 млрд. сўм ёки 32,5 фоизи ва бошқа йўналишларга 225,2 млрд. сўм ёки 14,6 фоизи тўғри келади.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби




Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар (январь-март)

	млрд. сўм	Жамига нисбатан улуғи, фоизда	
		2019 йил	2020 йил
Асосий капиталга инвестициялар - жами	1544,9	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиғи	217,7	11,1	14,1
тоғ - кон саноати	144,7	30,0	9,4
ишлаб чиқариш саноати	375,3	9,4	24,3
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5,4	0,1	0,4
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	90,3	3,7	5,8
қурилиш	149,8	6,0	9,7
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	83,0	3,2	5,4
ташиш ва сақлаш	95,6	2,4	6,2

	млрд. сўм	Жамига нисбатан улуши, фоизда	
		2019 йил	2020 йил
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	25,8	0,8	1,7
ахборот ва алоқа	4,5	0,2	0,3
молия ва суғурта фаолияти	9,1	0,2	0,6
таълим	40,9	1,7	2,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	17,6	1,5	1,1
жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	209,4	13,6	13,6
бошқа фаолият турлари	75,8	16,1	4,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: ишлаб чиқариш саноатида 375,3 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 24,3 фоиз), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 72,6 млрд.сўм (4,7 фоиз), тўқимачилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш 212,0 млрд.сўм (13,7 фоиз), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 0,7 млрд.сўм, бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 51,8 млрд. сўм (3,4 фоиз), металлургия саноатида 2,1 млрд. сўм (0,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 5,4 млрд. сўм, (0,4 фоиз), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 90,3 млрд. сўм, (5,8 фоиз), қурилиш фаолияти турида 149,8 млрд. сўм (9,7 фоиз), ташиш ва сақлаш фаолият турида 95,6 млрд. сўм (6,2 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 83,0 млрд. сўм (5,4 фоиз), ахборот ва алоқа фаолият турида 4,5 млрд. сўм (0,3 фоиз), таълим соҳасида 40,9 млрд. сўм (2,6 фоиз), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 209,4 млрд. сўм (13,6 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



Ишлаб чиқариш объектларни ва қувватларни ишга тушириш

Корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар ҳажми 2019 йил январь-мартга нисбатан 2,3 пунктга ошди.

Бухоро вилояти асосий капиталга инвестициялар бўйича корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар улуши – 32,5 фоизни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 40,1 фоизни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Бухоро шаҳри (27,7 фоиз) ва Олот (38,0 фоиз) туманида кузатилди.

Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		Хорижий инвестициялар, жамига нисбатан фоизда	
	жами	шу жумладан, кредитлар	жамига	Асосий капиталга инвестициялар
Бухоро вилояти	619,8	335,3	100,0	40,1
Бухоро ш.	171,6	63,3	27,7	11,1
Когон ш.	1,5	1,5	0,2	0,1
туманлар				
Бухоро	31,4	31,4	5,1	2,1
Вобкент	28,8	28,8	4,6	1,9
Жондор	19,1	19,1	3,1	1,2
Когон	29,9	24,4	4,8	1,9
Олот	235,5	106,2	38,0	15,2
Пешкў	6,0	2,7	1,0	0,4
Ромитан	18,6	11,4	3,0	1,2
Шофиркон	29,7	26,8	4,8	1,9
Қорақўл	2,1	1,2	0,3	0,1
Қоровулбозор	15,3	-	2,5	1,0
Ғиждувон	30,3	18,5	4,9	2,0


Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млн. АҚШ долл.)



Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 65,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 47,4 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 72,9 фоиз ташкил этди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йил январь-март ойларида 452,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 65,5 фоизни ташкил қилди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар қайта ишлаш саноати фаолиятига 2019 йил январь-мартга нисбатан 34,9 пунктга (жамига нисбатан улуши 35,6 фоиз) кўпайди, тоғ-кон саноатида 35,9 пунктга (23,0 фоиз) камайди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида 5,2 пунктга (14,5 фоиз) кўпайди.

Худудий инвестиция дастурида белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар тўғрисида

(минг.АҚШ доллар)

	Жами амалга оширилган лойиҳалар			шундан					
				Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари		Давлат кафолати остида бўлмаган чет эл кредитлари		Чет эл инвестициялари	
	сони	қиймати	шундан, асосий капиталга	сони	асосий капиталга	сони	асосий капиталга	сони	асосий капиталга
Бухоро вилояти	41	36036,4	34870,4	15	2623,1	21	18247,3	5	14000,0
Бухоро ш.	9	12471,3	12376,3	3	211,0	5	2115,3	1	10050,0
Когон ш.	-	-	-	-	-	-	-	-	-
туманлар									
Бухоро	3	4800,0	4800,0	-	-	2	3300,0	1	1500,0
Вобкент	1	3020,0	3020,0	-	-	1	3020,0	-	-
Жондор	1	2000,0	2000,0	-	-	1	2000,0	-	-
Когон	5	2036,6	2021,6	2	381,6	2	1440,0	1	200,0
Олот	2	215,6	15,6	2	15,6	-	-	-	-
Пешкў	2	711,0	631,0	1	350,0	1	281,0	-	-
Ромитан	2	1950,0	1950,0			1	1200,0	1	750,0
Шофиркон	4	3115,0	3115,0	1	300,0	3	2815,0	-	-
Қорақўл	3	222,5	222,5	2	91,5	1	131,0	-	-
Қоровулбозор	2	1535,4	1535,4	1	35,4	-	-	1	1500,0
Ғиждувон	7	3959,0	3183,0	3	1238,0	4	1945,0	-	-

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 209,4 млрд.сўм ёки 13,6 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2020 йилнинг январь-март ойларида умумий майдони 244,5 минг кв.м. бўлган 967 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 128,0 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 165,0 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 124,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш (2020 йил январь-март)

	Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:			
	Ишга туширилди		2019 йил мос даврига нисбатан фоизда	
	жами	жумладан қишлоқ жойларда	жами	жумладан қишлоқ жойларда
Турар жойлар умумий майдони, <i>минг кв.м.</i>	244,5	165,0	128,0	124,7
<i>улардан:</i>				
якка тартибдаги турар жойлар	244,5	165,0	128,0	124,7
Сув тармоғи, км	2,0	2,0	3,2	3,2

2020 йил январь-март ойларида умумий майдони 244,5 минг кв.м (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 128,0 фоиз) бўлган 1293 хонадонга эга 0,97 минг турар жойлар, жумладан 165,0 минг кв.м. (67,5 фоиз) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

2020 йил январь-март ойларида ишга туширилган турар жойлар

	Ишга туширилди, жами		Улардан: якка тартибдаги турар жойлар	
	минг кв.м	2019 йил январь-март фоизда	минг кв.м	2019 йил январь-март фоизда
Бухоро вилояти	244,5	128,0	244,5	128,0
Бухоро ш.	59,2	2,1 м.	59,2	2,1 м.
Когон ш.	6,7	177,5	6,7	177,5
<i>туманлар</i>				
Бухоро	17,7	71,1	17,7	71,1
Вобкент	2,2	168,4	2,2	168,4
Жондор	18,1	98,9	18,1	98,9
Когон	4,1	107,2	4,1	107,2
Олот	17,8	119,2	17,8	119,2
Пешкў	27,9	99,2	27,9	99,2
Ромитан	40,9	3,3 м.	40,9	3,3 м.
Шофиркон	17,5	80,8	17,5	80,8
Қоракўл	5,1	100,9	5,1	100,9
Қоровулбозор	1,3	6,0 м.	1,3	6,0 м.
Ғиждувон	26,0	90,8	26,0	90,8

Умумий майдони 244,5 минг кв.м. ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 128,0 фоиз якка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 15,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 38,1 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қурилишида 3,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,7 фоизини ташкил қилади.

Коммунал қурилиш соҳасида 2,0 км. узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 2,0 км. ёки 100,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 0,06 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,06 млрд. сўм (100,0 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2020 йил январь-март ойларида 918,6 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 111,4 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 62,4 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 37,6 фоизи капитал таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Шаҳар ва туманлар қурилиш ишларининг ўсиш суръати, фоизда

(январь-март)




Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Вобкент туманида 145,7 фоиз ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 37,8 фоиз пунктга кўпайди, мос равишда Ромитан туманида 128,0 фоиз (107,5 фоиз пункт), Қоракўл туманида 123,4 фоиз (5,0 фоиз), Бухоро шаҳрида 116,7 фоиз (49,7 фоиз) пунктга камайди.

Худудлар кесимида қурилиш ишлари

	Жами, млрд. сўм	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат	нодавлат
Бухоро вилояти	918,6	5,2	94,8
Бухоро ш.	228,1	6,4	93,6
Когон ш.	30,0	1,3	98,7
туманлар			
Бухоро	64,2	4,0	96,0
Вобкент	25,2	7,4	92,6
Жондор	45,8	6,6	93,4
Когон	65,7	-	100,0
Олот	66,8	5,1	94,9
Пешкў	54,2	4,5	95,5
Ромитан	96,2	8,1	91,9
Шофиркон	69,6	4,9	95,1
Қоракўл	32,3	14,4	85,6
Қоровулбозор	69,5	2,0	98,0
Ғиждувон	71,0	2,9	97,1

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 870,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,8 фоизни (2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 112,6 фоизни) ташкил қилди.

**Иқтисодий фойяат турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари
(млрд.сўм)**




Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 16,3 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 17,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 870,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 94,8 фоизни (2019 йил январь-мартга нисбатан 0,9 фоизга кўпайган) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

2019 йил январь-март



2020 йил январь-март



■ Давлат мулки ■ Нодавлат мулки

Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 611,4 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 114,4 фоизни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 149,6 млрд. сўмни (ёки 104,2 фоизни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 157,6 млрд. сўм (ёки 107,6 фоизни) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

(млрд. сум)

	Қурилиш ишлари, хизматлар жами	шу жумладан иқтисодий фаолият турлари:		
		Бино ва иншоотлар қурилиши	Фуқаролик қурилиши объектлари	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари
Бухоро вилояти	918,6	611,4	149,6	157,6
Бухоро ш.	228,1	155,1	39,2	33,8
Когон ш.	30,0	21,8	2,2	6,0
туманлар				
Бухоро	64,2	47,5	5,6	11,1
Вобкент	25,2	18,2	3,0	4,0
Жондор	45,8	39,0	4,7	2,1
Когон	65,7	24,1	34,3	7,3
Олот	66,8	33,0	3,4	30,4
Пешкў	54,2	47,1	5,5	1,6
Ромитан	96,2	75,9	17,0	3,3
Шофиркон	69,6	53,0	10,5	6,1
Қорақўл	32,3	24,9	4,8	2,6
Қоровулбозор	69,5	15,2	15,9	38,4
Ғиждувон	71,0	56,6	3,5	10,9

Вилоятда бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий қисми бино ва иншоотлар қурилиши (611,4 млрд.сўм) га тўғри келиб, вилоят умумий ҳажмида 66,5 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, фуқаролик қурилиши (149,6 млрд. сўм) объектлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари вилоят умумий ҳажмининг 16,3 фоизни ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш (157,6 млрд. сўм) ишлари 17,2 фоизни ташкил этди.

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2020 йил январь-февраль ойларида иқтисодий тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 58439,5 млн. сўм. миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганимизда фойда 18112,3 млн.сўмга ёки 44,9 фоизга кўпайган.

2020 йил январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млн. сўм	2019 йил январь-февралга нисбатан фоизда
Жами¹⁾	58439,5	144,9
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	2547,1	92,2
Ишлаб чиқарадиган саноат	34704,6	153,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	3011,0	x
Қурилиш	1078,1	170,8
Савдо	9259,2	102,3
Ташиш ва сақлаш	3587,9	79,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1246,6	122,3
Кўчмас мулк билан операциялар	492,2	103,8
Профессional, илмий ва техник фаолият	3957,5	127,4
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	139,7	107,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	214,5	123,7
Бошқалар	-1798,9	x

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2020 йил январь-февраль ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси ”(36,5 млн.сўм), “Ўзбекнефтегаз” АЖ (8304,1 млн.сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (44,7 млн.сўм), “Ўздонмахсулот”АЖ (710,6 млн.сўм), “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги” (23,7 млн.сўм), “Ўзавтосаноат”АЖ (53,9 млн.сўм) га тўғри келади.

Фойданинг пасайиши. Йирик тижорат корхоналари томонидан фойданинг пасайиши кузатилмади.

**2020 йил январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида
якуний молиявий натижалари**

	<i>Фойда, зарар (-), млн. сўм</i>	<i>2019 йил январь-февралга нисбатан фоизда</i>
Бухоро вилояти ¹⁾	58439,5	144,9
Бухоро ш.	17061,8	117,5
Когон ш.	1981,2	116,0
<i>туманлар</i>		
Бухоро	72,4	128,7
Вобкент	364,8	131,1
Жондор	2235,7	98,5
Когон	231,1	-
Олот	5856,4	10,7 м.
Пешкў	689,2	111,4
Ромитан	570,1	110,4
Шофиркон	328,2	117,1

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

	Фойда, зарар (-), млн. сўм	2019 йил январь-февралга нисбатан фоизда
Қорақўл	762,4	4,6 м.
Қоровулбозор	27086,4	146,4
Ғиждувон	1199,8	117,9

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Қоровулбозор тумани 27086,4 млн. сўм ва Бухоро шаҳрига 17061,8 млн.сўм тўғри келади.


Зарарлар. 2020 йил январь-февраль ойларида 6 та корхона ва ташкилотлар 2794,1 млн. сўм зарарга йўл қўйди.

Зарарнинг асосий қисми Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги 2159,9 млн. сўм (77,3 фоиз), АТ ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 186,1 млн. сўм (6,7 фоиз) ва 448,1 млн. сўм (16,0 фоиз) бошқа соҳа корхоналарига тўғри келади.

2020 йил январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн. сўм	жамига нисбатан фоизда
Жами	6	2794,1	100,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	1	246,7	8,8
Қурилиш	1	114,8	4,1
Ташиш ва сақлаш	1	186,1	6,7
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	1	2159,9	77,3
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	2	86,6	3,1

**2020 йил январь-февраль ойларида зарар кўрган корхона
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**
(жамига нисбатан фоизда)



Зарарларнинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат 246,7 млн. сўм (жами зарарнинг 8,8 фоиз), ташиш ва сақлаш 186,1 млн. сўм (6,7 фоиз), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш 2159,9 млн. сўм (77,3 фоиз), қурилиш 114,8 млн. сўм (4,1 фоиз), бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар 86,6 млн. сўм (3,1 фоиз) корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

**2020 йил январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган
корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**


	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, фоизда</i>	<i>Зарар суммаси, млн. сўм</i>
Вилоят бўйича:	6	100,0	2794,1
Бухоро шаҳри	5	95,9	2679,3
Когон тумани	1	4,1	114,8

Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати¹⁾

2020 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 2094791,5 млн. сўми, шундан муддати ўтган 2912,2 млн. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,1 фоизини ташкил қилади.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2019 йил 1 мартга нисбатан солиштирганимизда 9,3 фоизга камайган.

2020 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп дебитор қарздорлик "Ўзбекнефтгаз" АЖ корхоналари 866943,0 млн. сўм (вилоят бўйича жами қарздорликдан 41,4 фоиз), "Худудий электр тармоқлари" АЖ 53115,5 млн. сўм (2,5 фоиз), "Ўзагрокимёхимоя" АЖ 132605,5 млн.сўм (6,3 фоиз), "Ўзавтосаноат" АЖ 2928,8 млн. сўм (0,1 фоиз), "Ўздонмахсулотлари" АЖ 70261,5 млн. сўм (3,3 фоиз) кузатилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари, худудларда ва идораларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича тизимли ишлар ташкиллаштирилганлиги натижасида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг ўсиш суръати камайиб бормоқда.

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

**2020 йил 1 март ҳолатига ҳудудлар кесимида
корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги**

	Дебитор қарздорлик, млн. сўм	шундан муддати ўтгани	муддати ўтган қарздорлик улуши, фоизда
Бухоро вилояти ¹⁾	2094791,5	2912,2	0,1
Бухоро ш.	791097,9	2912,2	0,4
Когон ш.	89146,7	-	-
<i>туманлар</i>			
Бухоро	7828,6	-	-
Вобкент	2490,3	-	-
Жондор	8125,7	-	-
Когон	53198,8	-	-
Олот	32081,0	-	-
Пешкў	1080,9	-	-
Ромитан	9222,2	-	-
Шофиркон	8069,4	-	-
Қорақўл	23075,5	-	-
Қоровулбозор	993041,3	-	-
Ғиждувон	76333,2	-	-

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2020 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги

(жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кредитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ 683301,0 млн.сўм (вилоят бўйича жами кредитор қарздорликдан 29,6 фоиз), “Худудий электр тармоқлари” АЖ 134297,0 млн.сўм (5,8 фоиз), “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ 102161,0 млн.сўм (4,4 фоиз) кузатилди.

**2020 йил 1 март ҳолатига ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг
кредитор қарздорлиги**

	Кредитор қарздорлик, млн.сўм	шундан муддати ўтгани	Муддати ўтган қарздорлик улуши, фоизда
Бухоро вилояти ¹⁾	2311464,8	-	-
Бухоро ш.	457226,4	-	-
Когон ш.	89791,3	-	-
<i>туманлар</i>			
Бухоро	18625,3	-	-
Вобкент	6326,7	-	-
Жондор	16239,4	-	-
Когон	52746,0	-	-
Олот	256233,5	-	-
Пешкў	23014,2	-	-
Ромитан	45247,8	-	-
Шофиркон	21969,5	-	-
Қоракўл	25910,0	-	-
Қоровулбозор	835112,9	-	-
Ғиждувон	463021,8	-	-


Ҳудудлар кесимида кредитор қарздорликнинг асосий қисми Қоровулбозор (835112,9 млн. сўм), Ғиждувон (463021,8 млн. сўм) туманлари ва Бухоро (457226,4 млн. сўм) шаҳрига тўғри келади.

Муддати ўтган кредиторлик қарздорликлар мавжуд эмас.

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Алохида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги

млн. сўм



Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторлик қарздорликка нисбатан қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

	Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши	
	млн. сўм	Дебиторга нисбатан фоизда
"Худудий электр тармоқлари" АЖ	81181,5	152,8
"Ўзтўқимачилик саноат уюшмаси "	420556,9	10,4 м.
"Сув хўжалиги вазирлиги"	587,6	11,5
"Ўзбекистон темир йуллари" АЖ	18555,4	125,3

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши "Худудий электр тармоқлари" АЖ 81181,5 млн.сўмга (152,8 фоиз), "Ўзтўқимачилик саноат уюшмаси" 420556,9 млн.сўмга (10,4 м.), "Сув хўжалиги вазирлиги" 587,6 млн. сўмга (11,5 фоиз), "Ўзбекистон темир йуллари" АК 18555,4 млн. сўмга (125,3 фоиз) кузатилди. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК


2020 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 21995 тани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,6 фоизга ўсган.

2020 йил январь-март ойларида 1263 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 57,9 фоизни ташкил этди.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо (30,7 фоиз), саноат (18,2 фоиз), қурилиш (8,9 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15,2 фоиз), яшаш ва овқатланиш (11,1 фоиз) ва бошқа тармоқларда ташкил этилган.

2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши

(фоизда)




**Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона
ва микрофирмалар, бирликда**

	<i>январь-март 2019 йил</i>	<i>январь-март 2020 йил</i>
Бухоро вилояти	2182	1263
Бухоро ш.	625	346
Когон ш.	83	46
<i>туманлар</i>		
Бухоро	134	99
Вобкент	121	77
Жондор	175	91
Когон	96	69
Олот	84	44
Пешкў	94	74
Ромитан	187	119
Шофиркон	132	52
Қоракўл	107	72
Қоровулбозор	47	27
Ғиждувон	297	147

2020 йил январь-мартда янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Бухоро шаҳри (346 та), Ғиждувон (147 та), ҳамда Ромитан (119 та), Бухоро (99 та), Жондор (91 та), туманларида ташкил этилди. Пешкў, Когон, Қоракўл туманларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 74 -69 тани ташкил этган. Энг паст кўсаткични Қоровулбозор (27 та) туманида ташкил этилган.

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоиз ҳисобида



2020 йил январь-март ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Бухоро шаҳрига 27,4 фоиз, Гиждувон тумани 11,6 фоиз, Ромитан тумани 9,4 фоиз, Жондор тумани 7,2 фоиз, Бухоро тумани 7,8 фоиз, Пешкў тумани 6,0 фоиз, Когон тумани 5,5 фоиз, Қоракўл тумани 5,7 фоиз, энг паст кўрсаткич Қоровулбозор туманида 2,1 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда

	январь-март 2019 йил	январь- март 2020 йил
Жами	2182	1263
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	144	192
Саноат	517	230
Қурилиш	190	113
Савдо	914	388
Ташиш ва сақлаш	82	61
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	187	140

	январь-март 2019 йил	январь- март 2020 йил
Ахборот ва алоқа	10	15
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	24	31
Бошқа турдаги хизматлар	114	93

2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода 388 та, шунингдек:

савдода - 388 та;

саноатда - 230 та;

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 140 та;

қурилишда - 113 та;

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 192 та;

бошқа турдаги хизматларда – 93 та;

ташиш ва сақлашда - 61 та ни ташкил этди.

соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда – 31 та;

ахборот ва алоқада – 15 та

Янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши (фоиз ҳисобида)



2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўп улуши:

- савдода – 30,7 фоиз ;
- саноатда – 18,2 фоиз;
- яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 11,1 фоиз ;
- қурилишда – 8,9 фоиз;
- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 15,2 фоиз ;
- бошқа турдаги хизматларда – 7,4 фоиз ;
- ташиш ва сақлашда – 4,8 фоиз;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда – 2,5 фоиз;
- ахборот ва алоқада – 1,2 фоиз ни ташкил этди.


**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга
эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирликда**

	январь- март 2019 йил	январь-март 2020 йил	фарк.(+-)
Бухоро вилояти	2182	1263	-919
Бухоро ш.	625	346	-279
Когон ш.	83	46	-37
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	134	99	-35
Вобкент	121	77	-44
Жондор	175	91	-84
Когон	96	69	-27
Олот	84	44	-40
Пешкў	94	74	-20
Ромитан	187	119	-68
Шофиркон	132	52	-80
Қорақўл	107	72	-35
Қоровулбозор	47	27	-20
Ғиждувон	297	147	-150

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг юқори ўсиш Бухоро шаҳрида 346 та, Гиждувон туманида 147 та, Ромитан туманида 119 та, Бухоро туманида 99 та. Жондор ва Шофиркон туманларида бу кўрсаткич 91 - 52 тани ташкил этди.


2020 йилнинг 1 апрель ҳолатида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Бухоро шаҳрида 24,7 бирликда, Қоровулбозор туманида 36,1 бирликда, Когон туманида 22,5 бирликда, Когон шаҳрида 13,1 бирликда, Ромитан туманида 18,1 бирликда ва Пешкў туманида 15,3 бирликда бўлиб, ўртача кўрсаткич 10,1 – 15,1 бирлик оралиғида Вобкент, Шофиркон, Гиждувон ва Жондор туманларида аниқланди. Қорақўл туманида 8,7 бирликда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил 1 апрель ҳолатида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)



Агар, 2019 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 14,3 бирликни ташкил этган бўлса, 2020 йил январь-март ойларида бу кўрсаткич 15,3 бирликка етди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 бирлик юқори.

Январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда;)



2020 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари

томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1031,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 26,4 фоизи) ёки 2019 йил январь-мартга нисбатан физик ҳажм индекси 121,7 фоизни ташкил қилди;

- 2145,5 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 104,0 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 98,7 фоизи) ташкил қилди;

- 1089,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 70,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 155,3 фоизини ташкил қилди;

- 813,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 88,6 фоизи) бажарилди ва 2019 йил январь- мартга нисбатан ўсиш суръати 118,5 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 103,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 101,3 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,3 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- 1473,9 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 67,2 фоизи) 2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 104,1 фоизини ташкил қилди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 82,0 фоизи ёки 1958,9 млрд. сўми (ўсиш суръати 103,2 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди.


- 25,8 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 42,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 13,7 млн.АҚШ долларга ёки 35,0 фоизга камайди, мос равишда 68,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 50,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди, бу эса 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 39,0 млн.АҚШ долларга ёки 36,4 фоизга камайди.

Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	2019 йил	2020 йил	(+-)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	бирлик	16880	20688	3808
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	бирлик	2182	1263	-919
ЯИМ	фоиз	62,7	65,1	2,4
Саноат	фоиз	23,6	26,4	2,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	фоиз	99,4	98,7	-0,7
Инвестиция	фоиз	38,9	70,5	31,6
Қурилиш	фоиз	83,4	88,6	5,2
Савдо	фоиз	82,1	82,0	-0,1

	Ўлчов бирлиги	2019 йил	2020 йил	(+-)
Хизматлар	фоиз	70,8	67,2	-3,6
Юк ташиш	фоиз	89,3	88,9	-0,4
Юк айланмаси	фоиз	83,6	83,6	-
Йўловчи ташиш	фоиз	98,0	96,2	-1,8
Йўловчи айланмаси	фоиз	97,8	96,3	-1,5
Экспорт	фоиз	63,6	42,6	-21,0
Импорт	фоиз	46,9	50,5	3,6

**2020 йил январь-март ойларида иқтисодиёт тармоқларида
кичик тадбиркорлик улушининг тузилиши**



Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши, фоизда

2020 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 65,1 фоизни ташкил қилди. (2019 йил январь - март ойларида 62,7 фоиз). ЯХМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.




2020 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фукаролар мулки) улуши

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2145,5	100,0
Саноат	1031,4	99,8
Қурилиш	813,9	35,7
Чакана савдо	1958,9	71,7
Экспорт, млн.АҚШ долл.	25,8	х
Импорт млн. АҚШ долл.	68,0	х

Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда)


Худудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Бухоро шаҳри (269,6 млрд.сўм), Когон тумани (128,6 млрд.сўм), Ғиждувон тумани (113,0 млрд.сўм) ва Вобкент тумани (80,8 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Когон шаҳрида (46,8 млрд.сўм), Пешкў (27,6 млрд.сўм) ва Қоровулбозор туманида (13,5 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати




Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотидаги энг юкори улуши Вобкент (100,0 фоиз), Когон (98,1 фоиз), Шофиркон (59,5 фоиз), Бухоро (100,0 фоиз) туманлари, Бухоро шахри (61,1 фоиз) ва Жондор тумани (56 фоиз) хиссасига тўғри келди. Шу билан бирга Когон шахри (23,3 фоиз), Пешкў (26,4 фоиз) ва Қоровулбозор (0,7 фоиз) туманларида кичик тадбиркорликнинг улуши пастлиги кузатилди.

2020 йил январь-март ҳолатига жами саноат маҳсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоиз




Худудлар бўйича кўпроқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми Бухоро (270,1 млрд.сўм), Жондор (245,8 млрд.сўм), Шофиркон (221,9 млрд.сўм), Ғиждувон (216,5 млрд.сўм) ва Ромитан (208,1 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Когон (2,7 млрд.сўм) ва Бухоро шаҳарларида (45,2 млрд.сўм) ва Қоровулбозор туманида (48,2 млрд.сўм) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь-март ойларида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми ва ўсиш суръати




Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Бухоро шаҳри (510,3 млрд.сўм), Ғиждувон (390,5 млрд.сўм), Қоракўл (227,8 млрд.сўм), Ромитан (143,1 млрд.сўм) ва Жондор (112,2 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Олот (65,9 млрд.сўм), Қоровулбозор (40,5 млрд.сўм) ва Когон туманларида (12,4 млрд.сўм) чакана товар айланмаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик
(бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Бухоро шаҳри (673,4 млрд.сўм), Ғиждувон (215,8 млрд.сўм), Бухоро (78,3 млрд.сўм), Вобкент (70,1 млрд.сўм), Когон (65,0 млрд. сўм) шаҳри ва Ромитан (61,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик
(бизнес)да хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати**



2020 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда

	Саноат	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Инвестиция	Қурилиш	Чакана савдо	Хизматлар
Бухоро вилояти	26,4	98,7	70,5	88,6	82,0	67,2
Бухоро ш.	61,1	96,6	70,5	97,2	64,3	50,7
Когон ш.	23,3	93,9	72,0	98,7	99,1	90,9
<i>туманлар:</i>						
Бухоро	100,0	100,0	99,1	98,9	98,7	97,0
Вобкент	100,0	100,0	91,4	97,7	66,2	91,4
Жондор	56,0	93,9	95,8	100,0	97,6	93,0
Когон	98,1	97,2	75,6	95,2	39,7	92,2
Олот	44,1	100,0	19,1	60,9	98,0	94,8
Пешкў	26,4	99,4	92,9	100,0	97,3	95,6
Ромитан	52,0	98,8	87,4	93,5	98,6	93,2
Шофиркон	59,5	100,0	93,1	97,8	98,0	93,2
Қорақўл	52,9	100,0	65,6	96,0	99,1	98,7
Қоровулбозор	0,7	95,8	86,1	16,4	97,3	45,5
Ғиждувон	35,5	100,0	98,0	99,9	87,2	95,2

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Вобкент (100,0 фоиз), Когон (98,1 фоиз), Шофиркон (59,5 фоиз), Бухоро туманида (100,0 фоиз), Бухоро шаҳрида (61,6 фоиз) ва Жондор туманида (56,0 фоиз) ташкил этади.


Инвестицияда энг юқори улушларни Жондор (95,8 фоиз), Ғиждувон (98,0 фоиз), Бухоро (99,1 фоиз) ва Шофиркон туманлари (93,1 фоиз) ташкил этади.

Қурилишда Ғиждувон (99,9 фоиз), Пешкў (100,0 фоиз), Жондор (100,0 фоиз), Бухоро (98,9 фоиз) туманлари ва Когон шаҳри (98,7 фоиз) ташкил этади.

Чакана савдода Гиждувон (117,1 фоиз), Қорақўл (105,3 фоиз), Пешкў (104,5 фоиз) ва Қоровулбозор (104,2 фоиз) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Қорақўл (98,7 фоиз), Бухоро (97,0 фоиз) ва Гиждувон (95,2 фоиз) туманлари ташкил этади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йил 1-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 124 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 18,2 фоиз иқтисодий вазиятни қулай ва 63,6 фоиз эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида 20,4 фоиз ва 75,0 фоиз, хизматлар соҳасида 23,5 фоиз ва 70,6 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 25,0 фоиз ва 56,2 фоиз, саноатда 15,8 фоиз ва 57,9 фоизни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда 26,3 фоиз , қурилишда 18,2 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 18,8 фоиз, хизматларда 5,9 фоиз ва савдода 4,6 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш 2020 йил I-чорак учун, фоизда



Иқтисодий вазият яқин уч ойда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яхшиланиш 100,0 фоиз, саноат корхоналари яхшиланиши 94,7 фоиз, ўзгаришсиз 5,3 фоизи, савдо – яхшиланиш 93,2 фоиз, ўзгаришсиз 6,8 фоиз, хизматларда яхшиланиш 79,4 фоиз, ўзгаришсиз 17,6 фоиз, ёмонлашиш 3,0 фоиз ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 81,8 фоиз, ўзгаришсиз 18,2 фоиз кутилмоқда.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболлини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилатган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) 25478 тани ташкил қилиб, шундан 24086 таси ёки 94,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 6345 та (24,9 фоизи), саноат 3955 та (15,5 фоизи), қурилиш 2670 та (10,5 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2053 та (8,1 фоизи), ташиш ва сақлаш 1441 та (5,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

2020 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	25478	100,0	24086	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2585	10,1	2372	9,8
саноат	3955	15,5	3730	15,5
қурилиш	2670	10,5	2519	10,5
савдо	6345	24,9	5967	24,8

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
ташиш ва сақлаш	1441	5,7	1384	5,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2053	8,1	1919	8,0
ахборот ва алоқа	264	1,0	248	1,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	606	2,4	596	2,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	5559	21,8	5351	22,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми яъни 24,9 фоизи савдо, 15,5 фоизи саноат, 10,5 фоизи қурилиш, 10,1 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 8,1 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 5,7 фоизи ташиш ва сақлаш, 2,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 1,0 фоизи ахборот ва алоқа соҳасида ва 21,8 фоизи бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, фоиз
(фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари)



Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Бухоро (31,3 фоиз) шаҳри, Ғиждувон (11,0 фоиз), Ромитан (8,1 фоиз), Бухоро (7,6 фоиз) туманларига тўғри келди, шу билан бирга, энг кам улушни Қоровулбозор (2,0 фоиз), Олот (3,1 фоиз) туманлари ҳамда Когон (3,9 фоиз) шаҳрида кузатилди.

Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича

тақсимланиши, бирликда

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	Жами, бирлик	давлат	нодавлат	шундан хусусий
Вилоят бўйича:	25478	2187	23291	3834
Бухоро ш.	7978	426	7552	1272
Когон ш.	999	81	918	183
туманлар:				
Бухоро	1933	157	1776	378
Вобкент	1141	152	989	122
Жондор	4441	169	1477	125
Когон	1295	90	1205	233
Олот	789	117	672	253
Пешкў	1500	160	1340	119
Ромитан	2068	159	1909	113
Шофиркон	1508	188	1320	194
Қоракўл	1311	177	1134	309
Қоровулбозор	521	55	466	34
Ғиждувон	2789	256	2533	499

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 91,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 16,5 фоизи хусусий корхоналар, 1,3 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 73,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар
мулкчилик шакллари бўйича (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)**



Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони 24086 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 3871 та (16,1 фоиз) га ошган.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 94,5 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 3,9 фоизни ташкил этди.

**Фаолият кўрсатаётган ва фаолият кўрсатмаётган
корхоналар ва ташкилотлар улуши, фоиз**




Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 24,8 фоизи савдо, 15,5 фоизи саноат, 10,5 фоизи қурилиш, 9,8 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 8,0 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 5,7 фоизи ташиш ва сақлаш, 1,0 фоизи ахборот ва алоқа, 2,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 22,2 фоизи бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоиз
(фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари)**



Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сонига энг кўпи Бухоро (7682 та) шаҳри, Гиждувон (2500 та), Ромитан (2000 та) ва Бухоро (1773 та) туманларида ташкил этгани ҳолда, ушбу йўналишда Когон (930 та) шаҳри, Олот (696 та) ва Қоровулбозор (507 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

Шаҳар ва туманлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони (бирликда)



2020 йил январь-март ойларида 1320 та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 мартага камайган. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Бухоро (368 та) шаҳри, Гиждувон (154 та), Ромитан (122 та) ва Бухоро (101 та) туманлари ҳиссасига тўғри келган. Аксинча, Когон (47 та) шаҳри, Олот (49 та) ва Қоровулбозор (29 та) туманларида ташкил этиш кўрсаткичи паст даражада.

Шаҳар ва туманлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони, (бирликда)
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)


	01.04.2020 йил ҳолатига рўйхатга олинган	2020 йил январь-март ойларида	
		янги ташкил этилган	туғатилган
Вилоят бўйича	25478	1320	390
Бухоро ш.	7978	368	150
Когон ш.	999	47	4
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1933	101	19
Вобкент	1141	78	26
Жондор	1646	93	20

	01.04.2020 йил ҳолатига рўйхатга олинган	2020 йил январь-март ойларида	
		Янги ташкил этилган	Тугатилган
Когон	1295	70	12
Олот	789	49	26
Пешкў	1500	77	22
Ромитан	2068	122	55
Шофиркон	1508	57	23
Қорақўл	1311	75	15
Қоровулбозор	521	29	3
Ғиждувон	2789	154	15

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 29,4 фоизи савдо, 17,4 фоизи саноат, 10,6 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 8,6 фоизи қурилиш ва қолган қисми бошқа соҳаларга тўғри келади.


Ҳисобот даврида 390 та корхона ва ташкилотлар фаолияти.

2020 йил январь-март ойларида ташкил топган ва тугатилган корхоналар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)



2020 йил январь-март ойларида жами 1320 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 1263 та). Уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича янги рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 27,9 фоизи), Ғиждувон (11,7 фоиз), Ромитан (9,2 фоиз), Жондор (7,0 фоиз), Бухоро (7,7 фоиз) туманларига тўғри келди.

**Ҳудудлар кесимида янги ташкил этилган корхоналар
ва ташкилотларнинг сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**




Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (29,4 та), саноат (17,4 та), қурилиш (8,6 та) ва яшаш ва овқатланишда (10,6 та) янги ташкил этилган. Энг кам эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (2,3 та), ахборот ва алоқа (1,1 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (4,6 та) фаолият турларига тўғри келган.

Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	01.04.2018 йил		01.04.2019 йил		01.04.2020 йил	
	умумий сони	улуши, фоиз	умумий сони	улуши, фоиз	умумий сони	улуши, фоиз
Жами вилоят бўйича	922	100,0	2249	100,0	1320	100,0
Савдо	139	15,1	914	40,7	388	29,4
Саноат	140	15,2	518	23,0	230	17,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	163	17,7	144	6,4	193	14,6
Қурилиш	102	11,1	190	8,5	113	8,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	66	7,2	188	8,4	140	10,6
Ташиш ва сақлаш	28	3,0	82	3,6	61	4,6
Ахборот ва алоқа	14	1,5	10	0,4	15	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	28	3,0	25	1,1	31	2,4
Бошқа турлар	242	26,2	178	7,9	149	11,3


Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, фоиз
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2020 йил 1 апрель ҳолатига 20825 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар 3487 та, оилавий корхоналар 1970 та, масъулияти чекланган жамиятлар 15029 та ва бошқалар 339 тани ташкил этган.

Тижорат шаклидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Бухоро (6801 та) шаҳри, Ғиждувон (2177 та), ҳамда Ромитан (1774 та) ва Бухоро (1563 та) туманларида ташкил этган бўлса, аксинча Когон (808 та) шаҳри, Олот (551 та) ва Қоровулбозор (434 та) туманларида корхоналар ва ташкилотларнинг сони камлиги кузатилди.

**Ташкилий ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналарининг сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**




2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 284 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91 тага ёки 47,2 фоизга ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда



Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 155 таси қўшма, 129 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Бухоро шаҳрида 148 та (жамидаги улуши 52,1 фоиз) ва Когон туманида 21 та (7,4 фоиз), Пешкў туманида 17 та (6,0 фоиз) ташкил этган. Энг кам Олот туманида 6 та (2,1 фоиз), ҳамда Шофиркон, Қорақўл, Қоровулбозор туманларида 9 тадан (3,2 фоизни) ташкил этади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалий ишларни янада жонлантириш ҳамда ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда.

**Ҳудудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият
кўрсатаётган корхоналар сони, бирликда**

	Корхоналар сон	Жамига нисбатан улуши, фоиз
Вилоят бўйича	284	100,0
Бухоро ш.	148	52,1
Когон ш.	15	5,3
<i>туманлар:</i>		
Бухоро	12	4,2
Вобкент	7	2,5
Жондор	11	3,9
Когон	21	7,4
Олот	6	2,1
Пешкў	17	6,0
Ромитан	10	3,5
Шофиркон	9	3,2
Қорақўл	8	2,8
Қоровулбозор	9	3,2
Ғиждувон	11	3,8


Агар 2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда 121 та (жамига нисбатан улуши 42,6 фоиз), савдода 55 та (19,4 фоиз) ҳамда қурилишда 31 та (10,9 фоиз) ни ташкил қилган. Энг камлари эса ташиш ва сақлашда 5 та (1,8 фоиз), ахборот ва алоқа бўйича хизматларда 1 тани (0,3 фоиз) ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш тармоқларда 6 тани (2,1 фоиз) ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолияти, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(2020 йил 1 апрель ҳолатига)

	Корхоналар сони	Жамига нисбатан улуши, фоиз
Жами	284	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	20	7,0
саноат	121	42,6
қурилиш	31	10,9
савдо	55	19,4
ташиш ва сақлаш	5	1,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	21	7,4
ахборот ва алоқа	1	0,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6	2,1
бошқа турлар	24	8,5


Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда



2020 йил январь-март ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 13 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 тага камайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида 5 та, Туркия Республикаси 2 та, Хитой Халқ Республикаси 2 та ва Корея Республикаси 2 та, ҳамда 2 таси бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, 2020 йил давомида Афғонистон Ислом Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари томонидан қўшма фаолиятга қизиқиш билдиришган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимида улуши, фоиз (2020 йил январь-март)



Янги (13 та) ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Бухоро (9 та) шаҳри, ҳамда Когон (1 та) тумани ҳиссаларига тўғри келди. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган ҳудудлар каторига Ғиждувон, Пешкў ва Ромитан (1 тадан) туманлари киради.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш динамикаси, бирликда

	2019 йил январь-март		2020 йил январь - март	
	Жами	Умумий сонига нисбатан, фоиз	Жами	Умумий сонига нисбатан, фоиз
Жами	41	100,0	13	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7	17,1	2	15,4
Саноат	13	31,7	2	15,4
Қурилиш	5	12,2	2	15,4
Савдо	13	31,7	1	7,7
Яшаш ва овқатланиш	1	2,4	1	7,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	2	4,9	2	15,4
бошқалар	-	-	3	23,0

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, айрим ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб қилишда беқарорлик сақланиб қолмоқда. Жумладан, Ғиждувон, Пешкў ва Ромитан туманларида жорий йил давомида 1 тадан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилганлигини кузатилди.

Шунингдек, 2020 йил 1 апрель ҳолатига хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 10та бўлиб, булар Бухоро шаҳри (5 та), Когон тумани (2 та), Олот, Бухоро туманларида, ҳамда Когон шаҳри (1 тадан) дир.

2020 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 20688 (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 81,6 фоизга ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 1560 таси (7,6 фоиз) Бухоро шаҳри, 2166 таси (10,5 фоиз) Гиждувон тумани, 1765 таси (8,5 фоиз) Ромитан тумани, ҳамда 1560 таси (7,6 фоиз) Бухоро тумани ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг ками Қоровулбозор туманида 416 та (2,0 фоиз), Олот туманида 545 (2,6 фоиз), ҳамда Когон шаҳрида 801 та (3,9 фоиз) ни ташкил этган.

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик
тадбиркорлик субъектлари сони**
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)


	01.04.2019 йил ҳолатига		01.04.2020 йил ҳолатига	
	Жами (бирликда)	жамига нисбатан фоизда	Жами (бирликда)	жамига нисбатан фоизда
Вилоят бўйича	16880	100,0	20688	100,0
Бухоро ш.	5704	33,8	6749	32,6
Когон ш.	603	3,6	801	3,9
<i>туманлар:</i>				
Бухоро	1214	7,2	1560	7,6
Вобкент	727	4,3	894	4,3
Жондор	1141	6,8	1372	6,6
Когон	852	5,0	1098	5,3
Олот	460	2,7	545	2,6
Пешкў	969	5,7	1194	5,8
Ромитан	1355	8,0	1765	8,5
Шофиркон	968	5,7	1139	5,5
Қорақўл	786	4,7	989	4,8
Қоровулбозор	299	1,8	416	2,0
Гиждувон	1802	10,7	2166	10,5

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 20688 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 5933 таси (28,7 фоиз) савдо, 3695 таси (17,9 фоиз) саноат, 2501 таси (12,1 фоиз) қурилиш, 2323 таси (11,2 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1910 таси (9,2 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 1373 таси (6,6 фоиз) ташиш ва сақлаш, 234 таси (1,2 фоиз) ахборот ва алоқа, 516 таси (2,5 фоиз) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 2203 таси (10,6 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади.

Энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.


Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда
(фермер ва деҳқон хўжаликларида ташқари)



Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда.

2020 йил январь-март ойларида 1320 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 1,7 мартага камроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Бухоро шаҳри (368 та), Ғиждувон (154 та), Ромитан (122 та) ва Жондор (93 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Энг кам Қоровулбозор (29 та), Олот (49 та), ҳамда Вобкент (78 та) туманларида ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**




Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадикан бўлсак, энг кўпи савдода 388 та, саноатда 230 та ҳамда яшаш ва овқатланишда 140 та ташкил янги этилган. Энг кам эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишда 31 та, ахборот ва алоқада 15 та, ҳамда ташиш ва сақлашда 61 та ташкил этилган.

Тижорат корхоналари.

2020 йил 1 апрель ҳолатига 20825 та тижорат шаклидаги корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар 3487 та, оилавий корхоналар 1970 та, масъулияти чекланган жамиятлар 15029 та ва бошқалар 339 тани ташкил этган.

Ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият юритаётган тижорат корхоналарнинг умумий сони, бирликда




Оилавий корхоналар сони

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2020 йил 1 апрель ҳолатига 2119 тани ташкил этиб, улардан 1970 таси ёки 93,0 фоиз фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 61,7 фоизга ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 31,7 фоиз ёки 625 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 27,0 фоиз ёки 531 таси саноат, 21,6 фоиз ёки 426 таси савдо, 8,7 фоиз ёки 172 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,9 фоиз ёки 37 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 0,8 фоиз ёки 16 таси қурилиш, 0,9 фоиз ёки 18 таси ташиш ва сақлаш, 0,6 фоиз ёки 12 таси ахборот ва алоқа, ҳамда 6,8 фоиз ёки 133 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши (фоиз)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 2020 йил 1 апрель ҳолатига энг кўпи саноат, савдо ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари, энг ками эса ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида жами 390 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 261 тага ошган.

Албатта хўжалик юритувчи субъектларнинг бугунги кун талабларига мослашиши ва рақобатбардошлигини ошириши борасида юртимизда талайгина ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб, қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда корхоналарнинг бугунги кун бозорига мослашиши даражаси ортиб бормоқда. Мисол тариқасида 2018 йилда 885 та, 2019 йилда 927 та корхоналар ва ташкилотлар ўз фаолиятини яқунлаган бўлса, 2020 йил январь-март ойларида ушбу кўрсаткич 390 тани ташкил этган.

**Янги ташкил этилган ва тугатилган
корхоналар ва ташкилотлар динамикаси, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Агарда тугатилган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қарайдиган бўлсак, 14,6 фоизи ёки 57 таси савдо, 9,2 фоизи ёки 36 таси саноат, 8,2 фоизи ёки 32 таси қурилиш, 10,3 фоизи ёки 40 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,9 фоизи ёки 27 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,1 фоизи ёки 16 таси ташиш ва сақлаш, 0,5 фоизи ёки 2 таси ахборот ва алоқа ҳамда 44,9 фоизи ёки 178 таси бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

**Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**

	2019 йил январь-март		2020 йил январь-март		
	Жами	Жамига нисбатан улуши, фоиз	Жами	Жамига нисбатан улуши, фоиз	фарқи, (+,-)
Жами	129	100,0	390	100,0	261
<i>шундан:</i>					
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	22	17,0	40	10,3	18
Саноат	23	17,8	36	9,2	13
Қурилиш	9	7,0	32	8,2	23
Савдо	18	14,0	57	14,6	39
Ташиш ва сақлаш	8	6,2	16	4,1	8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	11	8,5	27	6,9	16
Ахборот ва алоқа	3	2,3	2	0,5	1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1	0,8	5	1,3	4
Бошқа турлар	34	26,4	175	44,9	141

2020 йил январь-март ойларида 248 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Уларнинг асосий қисми 57 таси (23,0 фоизи) савдо, 35 таси (14,1 фоизи) саноат, 32 таси (12,9 фоизи) қурилиш, 40 таси (16,1 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 27 таси (10,9 фоизи) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 16 таси (6,5 фоизи) ташиш ва сақлаш, 2 таси (0,8 фоизи) ахборот ва алоқа ҳамда 34 таси (13,7 фоизи) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда
(фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари)



Тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш натижасида ҳудудларда ҳам тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Ушбу йўналишда асосан Бухоро шаҳрида 144 та, Ромитан туманида 46 та, ҳамда Олот туманида 16 та кичик корхона ва микрофирмалар 2019 йил январь-март ойларига нисбатан кўп тугатилганлигини статистик рақамларда кўришимиз мумкин.

VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2020 йилнинг январь-март ойларида 195,6 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 67,4 фоизни, шу жумладан, экспорт 60,7 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 97,6 фоизни, импорт 134,8 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 59,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси минус 74,1 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДХ давлатлари билан минус 63,8 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан минус 10,3 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ доллари)

	январь-март		2019йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида
	2019 йил	2020 йил	
Ташқи савдо айланмаси	290369,3	195548,6	67,3
МДХ мамлакатлари	159223,9	103584,4	65,1
бошқа хориж мамлакатлари	131145,4	91964,2	70,0
Экспорт	62209,0	60714,7	97,6
МДХ мамлакатлари	20335,0	19902,8	98,0
бошқа хориж мамлакатлари	41874,0	40811,9	97,4
Импорт	228160,3	134833,9	59,1
МДХ мамлакатлари	138888,9	83681,6	60,3
бошқа хориж мамлакатлари	89271,4	51152,3	57,2
Сальдо	-165951,4	-74119,2	X
МДХ мамлакатлари	-118554,0	-63778,8	X
бошқа хориж мамлакатлари	-47397,4	-10340,4	X

2020 йил январь-март ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши



Вилоятимиз резидентлари томонидан амалга оширилган ташқи савдо операцияларида асосий улушларни Осиё (61,1 фоиз), Европа (38,5 фоиз), Америка қитъаси (0,1фоиз) давлатлари эгалламоқда ва уларнинг умумий савдо айланмасидаги улуши 99,7 фоизни ташкил этмоқда.

Бухоро вилоятининг 2020 йил январь-март ойларида ташқи савдо айланмасидаги улушининг 53,0 фоизи МДХ давлатларига тўғри келади қолган, 47,0 фоизи бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткичлар 2019 йилда мос равишда 54,8 фоизи МДХ давлатларига тўғри келган бўлса, қолган 45,2 фоизи бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Бухоро вилоятининг МДХ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2020 йил январь-март ойларига 103,6 млн АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34,9 фоиз камайиш кузатилган. Шундан экспорт 2,0 фоизга ва импорт 39,7 фоизга камайган.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Эрон, Афғонистон, Туркия, Қирғизистон, Россия ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 6,3 фоизни ташкил қилади, импортда эса ҳамкор давлатлар Россия, Туркменистон,

Хитой, Туркия, Жанубий Корея давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 87,2 фоизни ташкил қилади.

МДХ давлатлари орасида ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорлар Россия, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Тожикистон давлатлари ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 52,2 фоизни ташкил қилди. Бошқа давлатлар орасида эса Хитой, Туркия, Корея Республикаси, Афғонистон, Германия, Латвия, Эрон давлатларининг улуши 42,0 фоизни ташкил қилди.

Ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар
(январь–мартда)

(млн. АҚШ доллари)

	<i>Экспорт</i>	<i>Импорт</i>	<i>Товар айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида</i>
Россия	8,0	56,6	33,0
Эрон Ислом Республикаси	25,0	3,6	14,6
Хитой	1,8	24,4	13,3
Туркменистон	1,5	20,9	11,4
Туркия	3,9	9,5	6,9
Қозоғистон	2,7	4,4	3,6
Корея Республикаси	0,2	6,3	3,3
Қирғизистон	4,9	0,2	2,6
Афғонистон	4,5	-	2,3
Германия	0,1	2,8	1,5
Украина	0,9	0,8	0,8
Эстония	1,6	-	0,8
Польша	1,5	0,1	0,8
Тожикистон	1,5	-	0,8

Вилоятнинг 2020 йил январь-март ойларида ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Россия (33,0 фоиз), Эрон (14,6 фоиз), Хитой (13,3 фоиз), Туркменистон (11,4 фоиз) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 72,4 фоизни ташкил қилади.

Йирик ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси
(январь-март ойлари)

(млн. АҚШ доллари)

<i>Давлатлар</i>	<i>2016 йил</i>	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>
Россия	57,6	27,4	145,0	80,3	64,6
Экспорт	4,8	4,5	4,6	6,7	8,0
Импорт	52,8	22,9	140,4	73,6	56,6
Сальдо	-48,0	-18,4	-135,8	-66,9	-48,6
Эрон	39,7	18,4	24,8	33,7	28,6
Экспорт	38,7	17,4	23,0	26,4	25,0
Импорт	1,0	0,9	1,8	7,2	3,6
Сальдо	37,7	16,5	21,3	19,2	21,3
Хитой	12,2	9,5	41,8	45,4	26,1
экспорт	5,2	6,1	13,3	9,4	1,8
импорт	7,0	3,4	28,5	36,4	24,2
сальдо	-1,8	2,7	-15,2	-26,6	-22,4
Туркменистон	23,4	11,3	28,2	57,3	22,4
Экспорт	1,5	0,8	0,3	1,5	1,5
Импорт	21,9	10,5	27,8	55,8	20,9
Сальдо	-20,4	-9,7	-27,5	-54,4	-19,3
Туркия	1,9	1,4	4,3	13,7	13,5
Экспорт	1,5	0,9	0,5	1,3	3,9
Импорт	0,4	0,6	3,8	12,4	9,5
Сальдо	1,2	0,3	-3,3	-11,1	-5,6
Қозоғистон	2,7	3,1	5,0	9,2	7,1

(млн. АҚШ доллари)

Давлатлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
экспорт	1,9	0,9	1,2	4,8	2,7
импорт	0,8	2,2	3,8	4,3	4,4
сальдо	1,2	-1,4	-2,6	0,5	-1,7
Корея Республикаси	4,4	0,5	1,6	7,2	6,5
экспорт	4,3	0,1	0,2	0,1	0,2
импорт	0,1	0,4	1,4	7,1	6,3
сальдо	4,1	-0,3	-1,2	-7,0	-6,1
Қирғизистон	-	0,1	-	5,7	5,1
Экспорт	-	0,1	-	5,7	4,9
Импорт	-	-	-	-	0,2
Сальдо	-	0,1	-	5,7	4,8
Афғонистон	12,9	12,3	1,9	2,8	4,6
Экспорт	12,9	12,3	1,9	2,8	4,5
Импорт	-	-	-	-	0,01
сальдо	12,9	12,3	1,9	2,8	4,5
Германия	1,4	0,6	6,4	7,4	2,9
экспорт	-	-	-	-	0,1
импорт	1,4	0,6	6,4	7,4	2,8
сальдо	-1,4	-0,6	-6,4	-7,4	-2,7
Украина	2,1	1,0	2,2	4,8	1,6
Экспорт	0,1	0,2	0,1	1,0	0,9
Импорт	2,1	0,8	2,1	3,8	0,8
Сальдо	-2,0	-0,6	-2,0	-2,8	0,1
Эстония	-	0,3	-	-	1,6
Экспорт	-	0,2	-	-	1,6

(млн. АҚШ доллари)

<i>Давлатлар</i>	<i>2016 йил</i>	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>
импорт	-	0,1	-	-	-
сальдо	-	0,1	-	-	1,6
Польша	0,3	-	0,3	0,9	1,5
экспорт	0,2	-	0,2	0,2	1,5
импорт	0,1	-	0,1	0,7	0,1
сальдо	0,1	-	0,1	-0,6	1,4
Тожикистон	-	0,1	0,3	0,2	1,5
экспорт	-	0,1	0,1	0,1	1,5
импорт	-	-	0,2	0,1	-
сальдо	-	0,1	-0,1	0,0	1,5
Ироқ	-	-	-	-	1,5
экспорт	-	-	-	-	0,4
импорт	-	-	-	-	1,1
сальдо	-	-	-	-	-0,7
Беларусия	0,5	0,8	2,2	1,3	0,9
экспорт	-	-	-	-	0,3
импорт	0,5	0,8	2,2	1,3	-
сальдо	-0,5	-0,8	-2,2	-1,3	0,3
БАА	0,1	0,1	0,6	0,9	0,7
экспорт	-	0,1	0,6	-	0,1
импорт	0,1	-	-	0,9	-
сальдо	-0,1	0,1	0,6	-0,9	0,1
Ҳиндистон	0,1	0,1	0,2	0,6	0,7
экспорт	-	0,1	0,1	-	0,2
импорт	0,1	0,1	0,1	0,6	-
сальдо	-0,1	-	-	0,6	0,2

(млн. АҚШ доллари)

Давлатлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Покистон	0,1	0,1	1,1	0,7	0,4
экспорт	0,1	0,1	0,2	-	0,2
импорт	-	-	0,9	0,7	-
сальдо	0,1	0,1	-0,6	-0,7	0,2
Италия	0,2	-	0,4	0,1	0,3
экспорт	-	-	-	-	0,2
импорт	0,2	-	0,4	0,1	-
сальдо	-0,2	-	-0,4	-0,1	0,2

МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси

(минг АҚШ доллари)

	Экспорт		Импорт	
	январь-март		январь-март	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Жами	20335,0	19902,8	138888,9	83681,6
<i>шу жумладан:</i>				
Озарбайжон	67,7	154,3	-	-
Белоруссия	12,2	262,4	1263,0	654,1
Қозоғистон	4839,7	2699,8	4336,7	4350,9
Қирғизистон	5690,2	4920,4	13,8	168,9
Молдова	402,0	-	15,9	297,9
Россия	6708,4	7972,0	73580,0	56586,8
Тожикистон	146,1	1498,6	60,4	-
Туркменистон	1465,7	1535,4	55831,1	20850,8
Украина	1003,1	859,9	3787,9	772,3

Вилоятнинг экспорт таркибида барча товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиши кузатилмоқда. Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 мартага ва энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари 148,1 фоизга ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 21,9 фоизни машина ва асбоб-ускуналар ва 7,9 фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.

2020 йил январь-март ойларида экспорт-импорт таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	2019 йил январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	97,6
пахта толаси	54,0	38,4	69,3
озик-овқат маҳсулотлари	18,8	10,2	53,0
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,6	1,4	2,1 м.
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	4,3	6,6	148,1
қора ва рангли металллар	0,1	-	-
машина ва ускуналар	0,1	0,3	3,2 м.
хизматлар	4,8	4,0	80,0
бошқалар	17,2	39,2	2,2 м.
Импорт таркиби	100,0	100,0	59,1
озик-овқат маҳсулотлари	2,0	2,9	84,8
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	4,8	7,8	96,3

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	2019 йил январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	52,1	48,1	54,6
қора ва рангли металллар	1,1	1,7	92,0
машина ва ускуналар	27,0	21,9	48,0
хизматлар	0,1	-	-
бошқалар	12,9	17,6	80,3

Йиллар кесимида экспорт таркиби динамикаси
(январь-март млн.АҚШ доллари)

Таркиби	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020йил
Пахта толаси	-	27,0	34,3	33,6	23,3
Озиқ-овқат товарлари	1,7	2,3	1,9	11,7	6,2
Кимё маҳсулотлари	0,2	0,4	0,4	0,4	0,9
Энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	12,7	13,4	1,7	2,7	4,0
Қора ва рангли металллар	1,0	-	-	-	-
Машина ва асбоб-ускуналар	-	-	-	0,1	0,2
Хизматлар	19,5	2,5	3,3	3,0	2,4
Бошқалар	16,5	6,7	7,1	10,7	23,8

Вилоятимизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2020 йил январь-март ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 53,0 фоизни ташкил этиб, ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 65,1 фоизни ташкил этди.

Бошқа хорижий давлатларнинг вилоятимиз ташқи савдо айланмасидаги улуши 2019 йил январь- март ойларида 45,2 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 47,0 фоизга етди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30,0 фоизга камайди.


Товар ва хизматлар экспортининг ўсиш суръатлари динамикаси (2020 йил; ўтган йилга нисбатан, фоиз)




2020 йил январь-март ойларида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли ўзгаришлар қайд этилди.

2020 йил январь-март ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган экспорт таркиби (жамига нисбатан фоизда)

МДХ давлатлари



Бошқа хориж давлатлари



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

Товарлар ва хизматлар экспортида асосий хамкор давлатларнинг улуши, фоиз

2019 йил январь-март

2020 йил январь- март



Хизматлар экспорти ҳажми 2,4 млн.АҚШ долларини ёки экспорт ҳажмининг 4,0 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,0 фоизга камайганлиги кузатилди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт хизматлари, туризм хизматлари, телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари ҳамда молиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади.


Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2020 йил январь- март ойларида жами 5,3 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 2,6 млн.АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 25,5 фоиз). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2020 йил январь - март ойларида 4,5 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 1,9 млн.АҚШ долларига экспорт қилинган.

Шунингдек, 0,8 минг тонна мева ва резаворлар 0,6 млн.АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 млн.АҚШ долларига кам.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилиш ҳажми ошиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилнинг январь- март ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 2,5 млн.АҚШ долларига етди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 74,5 фоизга камайган).

Мева-сабзавот маҳсулотларининг таркиби январь-март ойлари (минг т.)



Вилоятда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий бозорлари экспорт географияси

Давлат номи	2019 йил январь-март			2020 йил январь- март		
	тонна	минг АҚШ доллари	улуши, фоиз	тонна	минг АҚШ доллари	улуши, фоиз
Қирғизистон	1095,8	4294,4	42,0	-	-	-
Белорусия	21,0	12,2	0,1	41,0	17,6	0,7
Хитой	1563,5	1018,1	10,0	442,0	209,6	8,2
Қозоғистон	10134,6	3901,2	38,2	3755,4	1573,1	61,6

Давлат номи	2019 йил январь-март			2020 йил январь- март		
	тонна	минг АҚШ доллари	улуши, фоиз	тонна	минг АҚШ доллари	улуши, фоиз
Афғонистон	19,7	3,4	0,03	124,4	59,0	2,3
Эрон	161,5	75,3	0,7	46,7	6,6	0,3
Россия	444,8	241,5	2,4	294,6	262,1	10,3
Туркия	23,5	4,5	0,04	-	-	-
Украина	3770,8	712,4	7,0	365,7	265,7	10,4

Жорий йил январь - март ойларида импорт ҳажми 134,8 млн.АҚШ долларига (ўсиш суръати 59,1 фоиз) тенг бўлди. Импорт таркибида энг катта улуш энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (48,1 фоиз), машина ва асбоб-ускуналар (21,9 фоиз) ва кимё ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда кора ва рангли металллар (7,8 фоиз) гуруҳлари ҳисобига тўғри келади.




Импорт таркиби
(2020 йил январь-март)

	Млн.АҚШ долл.	2019 йил январь– мартга нисбатан фоизда	Жамига нисбатан фоизда
Импорт	134,8	59,1	100,0
озик-овқат маҳсулотлари	3,9	84,8	2,9
кимё маҳсулотлари ва буюмлари	10,5	96,3	7,8
энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	64,9	54,6	48,1
кора ва рангли металллар	2,3	92,0	1,7
машина ва асбоб-ускуналар	29,5	48,0	21,9
бошқалар	23,7	80,3	17,6

Товар ва хизматлар импорти таркиби, (млн. АҚШ доллари)

2019 йил январь-март

2020 йил январь-март



Импорт таркиби динамикаси

(январь-март ойлари; минг АҚШ доллари)

Таркиби	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ	806,3	888,3	3588,5	4604,1	3919,9
КИМЁ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ	4376,7	3641,5	72,67,6	10890,4	10470,1
ЭНЕРГИЯ МАНБААЛАРИ ВА НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ	69907,6	29259,3	151370,1	118974,1	64938,1
ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛАР	1550,2	3182,7	4750,8	2532,1	2332,9
МАШИНА ВА АСБОБ- УСКУНАЛАР	11809,4	6585,4	40241,4	61432,4	29512,1
ХИЗМАТЛАР	0,2	165,5	230,5	196,1	-
БОШҚАЛАР	4181,0	2971,8	17418,0	29531,9	23660,9

2020 йил январь-март ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган импорт таркиби



**МДХ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган импорт таркиби
(2020 йил январь-март)**

	МДХ давлатлари		Бошқа давлатлар	
	минг АҚШ долл.	Жамига нисбатан фоизда	минг АҚШ долл.	Жамига нисбатан фоизда
Импорт	83681,6	100,0	51152,3	100,0
озиқ-овқат маҳсулотлари	3329,3	3,9	590,6	1,2
кимё маҳсулотлари ва буюмлари	3315,3	3,9	7154,8	14,1
энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари	6372,1	76,2	1217,0	2,3
қора ва рангли металллар	1339,4	1,6	993,6	2,0
машина ва асбоб-ускуналар	4402,2	5,3	25109,9	49,0
бошқалар	7574,3	9,1	16086,6	31,4

Товарлар ва хизматлар импортида асосий хамкор давлатларнинг улуши, фоиз


2019 йил январь-март

2020 йил январь-март



2020 йил январь-март ойларида вилоятимизга 48 дан ортиқ хорижий давлатлардан товар ва хизматлар импорти амалга оширилган. Шулардан 5 та энг йирик бўлган Туркменистон, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси ва Туркия ҳамкор давлатларидан жами импорт ҳажми 117,5 млн.АҚШ.долларига тенг. Бу эса умумий импорт ҳажмининг 87,2 фоизни ташкил қилади.

Машина ва ускуналар импорти динамикаси
(январь-март ойлари; млн.АҚШ доллари)




Машина ва асбоб ускуналар импортининг ортиб бориши тўғридан тўғри инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиниши ва модернизация қилинишида ўз аксини топади.

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2019 йил январь-март

2020 йил январь-март



IX. ТРАНСПОРТ

Мустақиллик йилларида транспорт ва коммуникация тизимини стратегик ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда яратилган самарали транспорт тизими ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқа мамлакатлар билан интеграциялашув омилидир.

Юк ташиш. 2020 йил январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 11,6 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,8 фоизни ташкил қилди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 357,5 млн.тн.км.ни ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати

	2020 йил январь-март	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	11,6	102,8
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	11,6	102,8
Юк айланмаси, млн. тн-км	357,5	103,4
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	357,5	103,4

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортидаги юк айланмаси 2019 йил январь-мартга нисбатан 2,2 фоизга кўпайди ва 237,6 млн. тн-км. ни ташкил қилди.


Бухоро вилоятининг туман, шаҳарлар бўйича ташилган юк бўйича етакчи ўринни Бухоро (1548,9 минг тонна) шаҳар эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори тоннани Ромитан (1279,0 минг тонна) тумани, Ғиждувон (1195,5 минг тонна) ва Бухоро (1016,0 минг тонна) туманларида кузатилди.

Худудлар кесимида юк ташиш, минг тонна
(2020 йил январь–март)

	минг тонна	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида
Вилоят жами:	11576,9	102,8	100,0
Бухоро ш.	1548,9	105,6	13,4
Когон ш.	753,0	100,2	6,5
туманлар:			
Бухоро	1016,0	107,2	8,8
Вобкент	844,7	102,7	7,3
Жондор	1013,4	101,6	8,8
Когон	800,8	100,0	6,9
Олот	652,3	102,4	5,6
Пешкў	509,2	102,7	4,4
Ромитан	1279,0	100,5	11,0
Шофиркон	615,2	101,7	5,3
Қорақўл	566,9	101,1	4,9
Қоровулбозор	782,0	107,1	6,8
Ғиждувон	1195,5	101,9	10,3

Кўрсатилган юк ташишда энг кичик тонна қуйидаги худудлар Пешкў (509,2 минг тонна), Қорақўл (566,9 минг тонна) ва Шофиркон (615,2 минг тонна) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ташилган юкнинг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, *фоиз ҳисобида*
(2020 йил январь-март)



Ҳудудлар бўйича ташилган юкнинг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Бухоро (13,4 фоиз) шаҳар эгаллади. Шу билан бирга Ғиждувон (10,3 фоиз) ва Ромитан (11,0 фоиз) туманларида кузатилди.

Вилоятнинг юк айланмаси ҳажмида етакчи ўринни Когон шаҳри (52964,9 минг тонна-км) эгаллади. Шу билан бирга энг юқори кўрсаткич билан Қоровулбозор (45493,7 минг тонна-км) ва Ғиждувон (44682,0 минг тонна-км) туманларида кузатилди.


Ҳудудлар кесимида юк айланмаси, *минг тонна-км*

	минг тонна-км	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида
Вилоят жами:	357510,6	103,4	100,0
Бухоро ш.	42406,7	100,7	11,9
Когон ш.	52964,9	100,0	14,8
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	31032,4	104,1	8,7
Вобкент	22550,3	103,6	6,3
Жондор	25869,9	101,2	7,2
Когон	24547,6	102,6	6,9

	МИНГ ТОННА-КМ	2019 йил январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида
Олот	10573,9	105,9	2,9
Пешкў	5799,9	104,7	1,6
Ромитан	19931,9	102,7	5,6
Шофиркон	18470,6	102,9	5,2
Қорақўл	13186,7	103,0	3,7
Қоровулбозор	45493,7	110,7	12,7
Ғиждувон	44682,0	104,2	12,5

Кўрсатилган юк айланмасидаги энг кичик тонна-км қуйидаги Олот (10573,9 минг тонна-км), Бухоро (31032,4 минг тонна-км) ва Вобкент (22550,3 минг тонна-км) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ташилган юк айланмасининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, фоиз ҳисобида (2020 йил январь-март)



Ҳудудлар бўйича ташилган юк айланмасининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Қоровулбозор (110,7 фоиз) тумани эгаллади. Шу билан бирга Олот (105,9 фоиз), Пешкў (104,9 фоиз) ва Ғиждувон (104,2 фоиз) туманларида кузатилди.

Йўловчи ташиш. 2020 йил январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 70,9 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,1 фоизни ташкил этди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 102,9 фоизга тенг бўлиб, 2279,5 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати

	2020 йил январь-март	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн.киши	70,9	104,1
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	70,9	104,1
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	2279,5	102,9
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	2279,5	102,9

Жами автомобил транспортидаги йўловчи айланмаси 2019 йил январь-мартга нисбатан 2,9 фоизга кўпайди ва 2279,5 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида яқка тартибдаги тадбиркорлар йўловчи айланмасининг улуши 89,7 фоизни ташкил этди.


Вилоятнинг туман, шаҳарлар бўйича ташилган йўловчи бўйича етакчи ўринни Бухоро (17283,7 минг киши) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори кўрсаткич билан Гиждувон (9701,9 минг киши) тумани, Бухоро (6493,7 минг киши) ва Когон (5519,2 минг киши) туманида кузатилди.

Худудлар кесимида йўловчи ташиш, минг киши
(2020 йил январь–март)

	минг киши	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида
Вилоят жами:	70918,7	104,1	100,0
Бухоро ш.	17283,8	112,1	24,4
Когон ш.	2770,5	101,0	3,9
туманлар:			
Бухоро	6493,7	101,7	9,2
Вобкент	4750,6	101,9	6,7
Жондор	5028,2	101,4	7,1
Когон	5519,2	101,6	7,8
Олот	2344,4	101,8	3,3
Пешкў	1008,3	102,8	1,4
Ромитан	4636,7	102,5	6,5
Шофиркон	4408,0	101,6	6,2
Қорақўл	2325,7	101,0	3,3
Қоровулбозор	4647,8	102,9	6,5
Ғиждувон	9701,9	101,9	13,7

Кўрсатилган йўловчи ташишда энг кичик тонна қуйидаги худудлар Пешкў (1008,3 минг киши), Қорақўл (2325,7 минг киши) ва Олот (2344,4 минг киши) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ташилган йўловчининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, *фоиз*
ҳисобида
 (2020 йил январь-март)



Ҳудудлар бўйича ташилган йўловчининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Бухоро (24,4 фоиз) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Гиждувон (13,7 фоиз), Бухоро (9,2 фоиз) ва Когон (7,8 фоиз) туманларида кузатилди.

Вилоятнинг йўловчи айланмаси ҳажмида етакчи ўринни Бухоро (546090,3 минг йўловчи-км) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга энг юқори кўрсаткич билан Гиждувон (300991,8 минг йўловчи-км), Қоровулбозор (256979,6 минг йўловчи-км) ва Бухоро (215685,3 минг йўловчи-км) туманларида кузатилди.


Ҳудудлар кесимида йўловчи айланмаси, *минг йўловчи-км*

	минг йўловчи-км	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида
Вилоят жами:	2279493,4	102,9	100,0
Бухоро ш.	546090,3	108,8	24,0
Когон ш.	82895,9	100,1	3,6
туманлар:			
Бухоро	215685,3	101,5	9,5
Вобкент	136632,5	101,0	6,0
Жондор	148349,8	101,4	6,5

	МИНГ ЙЎЛОВЧИ-КМ	2019 йил январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида
Когон	161760,7	101,3	7,1
Олот	68121,1	102,3	3,0
Пешкў	18488,6	102,6	0,8
Ромитан	145203,1	100,3	6,4
Шофиркон	126721,1	101,2	5,5
Қорақўл	71573,6	101,5	3,1
Қоровулбозор	256979,6	100,7	11,3
Ғиждувон	300991,8	101,3	13,2

Кўрсатилган йўловчи айланмасидаги энг кичик йўловчи-км қуйидаги ҳудудлар Пешкў (18488,6 минг йўловчи-км) тумани, Олот (68121,1 минг йўловчи-км) ва Қорақўл (71573,6 минг йўловчи-км) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши,
фоиз ҳисобида
(2020 йил январь-март)**



Худудлар бўйича юк айланмасининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Бухоро (24,0 фоиз) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Ёиждувон (13,2 фоиз), Қоровулбозор (11,3 фоиз), Бухоро (9,5 фоиз) ва Когон (7,1 фоиз) туманларида кузатилди.

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш, юк айланмаси,
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси
(2020 йил январь-март)**



Х. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2020 йил январь–март ойларида чакана савдо товар айланмаси 2388,6 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 103,2 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 103,6 фоизга ўсиб, 429,7 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 18,0 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 102,8 фоизга ўсиб, 553,8 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 23,2 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 1958,9 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 103,2 фоизга ошди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 58,8 фоизга тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби
(2020 йил январь–март)



Чакана савдо - товарларни етказиб беришида ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга бўлган товар харакати жараёнидаги хўжалик алоқаларининг сўнги занжири бўлиб ҳисобланади. Чакана савдода моддий ресурслар муомала жараёнидан жамоа, якка холдаги, шахсий истеъмол соҳасига ўтади, яъни истеъмолчиларнинг мулки бўлиб қолади. Бу жараён олди-сотди орқали амалга оширилади, чунки истеъмолчилар ўзларига зарур товарларни ўзларининг пул дараомадларига алмашишади. Бунда ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг янги цикли учун янги имкониятлар пайдо бўлади, чунки ушбу холатда товарлар пулга айланади.

2020 йил январь–март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Давлат мулки 0,8 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 2387,8 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 фоизни ташкил қилди.


Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	2388,6	103,2	100,0
<i>шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича</i>			
давлат мулки	0,8	100,1	0,03
нодавлат мулки	2387,8	103,2	99,97
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	1405,1	103,3	58,8

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Бухоро шаҳри 33,2 фоизни, Ғиждувон тумани 18,7 фоизни, Қорақўл тумани 9,6 фоизни, Ромитан тумани 6,1 фоизни ва Вобкент тумани 6,9 фоизни ташкил этган бўлса, Олот тумани 2,8 фоизни, Когон тумани 1,3 фоизни ва Қоровулбозор тумани 1,7 фоизни улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши

2020 йил январь-март , фоиз ҳисобида



2020 йил январь-март ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 3,6 фоиз кўпни ташкил этди. Ўз навбатида, Вобкент (6,6 фоизга), Бухоро (2,3 мартага) туманлари, Бухоро (7,0 фоизга) шаҳри, Когон (2,1 мартага), ҳамда Пешкў (2,1 мартага) туманларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 76,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 13,0 фоизга камайди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 3,2 фоизни ташкил этди. Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Бухоро шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 44,9 фоизни ташкил этди, Ғиждувон тумани 12,3 фоизни, Пешкў тумани 11,5 фоиз ташкил этган бўлса, Когон шаҳри 1,6 фоизи ва Когон туманида 1,3 фоизи энг паст улуш кўрсаткични қайд этди.


Чакана товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида
(умумий овқатланишни қўшган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан, фоиз ҳисобида	минг сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан, фоиз ҳисобида
Вилоят бўйича	2388,6	103,2	1239,9	101,7
<i>шаҳарлар</i>				
Бухоро	793,9	100,3	2830,3	99,5
Когон	110,5	100,8	1808,6	100,2
<i>туманлар</i>				
Бухоро	94,8	102,3	569,4	100,4
Вобкент	164,1	104,5	1174,7	102,6
Жондор	114,9	101,2	659,6	99,6
Когон	31,2	106,2	399,1	103,7
Олот	67,3	101,4	678,8	99,9
Пешкў	63,0	105,9	513,8	103,8
Ромитан	145,2	100,6	1027,3	98,8
Шофиркон	84,7	101,2	659,6	99,6
Қоракўл	229,8	101,6	1401,2	100,0
Қоровулбозор	41,6	101,5	2275,9	100,4
Ғиждувон	447,6	112,2	1473,4	110,5


Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 1,7 фоизга ошиб, 1239,9 минг сўмни ташкил этди (2019 йил январь-март ойларида 1897,3 минг сўмни ташкил қилган эди). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Бухоро шаҳри (2830,3 минг сўм), Қоровулбозор (2275,9 минг сўм) тумани ва Когон шаҳрида (1808,6 минг сўм), энг паст кўрсаткичларни эса Когон тумани (399,1 минг сўм), Бухоро туманида (569,4 минг сўм) ва Шофиркон туманида (478,2 минг сўм) қайд этди.

Умумий овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 76,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 13,0 фоизга камайди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 3,2 фоизни ташкил этди.

Умумий овқатланиш товар айланмаси, (млн.сўмда)



Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда




Овқатланиш ташкилотлари товар айланмаси аҳоли жон бошига 3956,0 минг сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Қоровулбозор тумани (19258,9 минг сўм), Бухоро шаҳри (12187,8 минг сўм), Пешкў тумани (7151,2 минг сўм), Бухоро тумани (2820,1 минг сўм), Ғиждувон тумани (3085,2 минг сўм) кузатилди.

2020 йил январь–март ойларида улгуржи савдо товар айланмаси 499,6 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 93,9 фоизни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмасида йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 8,0 фоизга камайиши кузатилиб, ҳажми 92,1 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажимда катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (41,8 фоиз), Вобкент тумани (15,2 фоиз), Қорақўл тумани (6,8 фоиз) ташкил этган бўлса, Когон шаҳри (6,7 фоиз), Қоровулбозор тумани (0,8 фоиз) ва Шофиркон тумани (0,8 фоиз) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Бухоро вилояти ҳудудларининг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 3,0 фоизга ошиб, 407,5 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 81,6 фоизни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида

	млрд. сўм	Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	2019 йил январь-мартга нисбатан, фоиз ҳисобида
Вилоят бўйича	499,6	100,0	93,9
Бухоро ш.	187,1	37,4	97,5
Когон ш.	27,4	5,5	2,5 м.
<i>туманлар</i>			

	млрд. сўм	Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	2019 йил январь- мартга нисбатан, фоиз ҳисобида
Бухоро	62,2	12,4	2,2 м.
Вобкент	15,8	3,2	76,8
Жондор	28,2	5,6	183,5
Когон	20,0	4,0	46,0
Олот	11,9	2,4	161,3
Пешкў	23,1	4,6	23,5
Ромитан	27,8	5,6	85,2
Шофиркон	11,6	2,3	112,4
Қоракўл	35,8	7,2	3,6 м.
Қоровулбозор	14,9	3,0	87,4
Ғиждувон	33,8	6,8	75,8

XI. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ


Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2020 йил 1 апрель ҳолатига вилоятда 24086 та фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 15465 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,7 фоизга кўпайди.

Хизматлар соҳасида барча фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, фоизда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

2020 йил 1 апрель ҳолатига



Инновацион хизматларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада, 2020 йил январь-март ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 2194,0 млрд.сўмни ташкил этдиб,ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,7 фоизга ўсди.


**2020 йил январь-март ойларида кўрсатилган хизмат турлари бўйича
(амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:**

	млрд. сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	2194,0	109,7	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	100,6	112,4	4,6
Молия хизматлари	357,5	151,6	16,3
Транспорт хизматлари	501,6	101,9	22,9
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	97,2	97,6	4,4
Савдо хизматлари	673,1	103,9	30,7
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	53,6	101,9	2,4
Таълим хизматлари	135,0	107,1	6,2
Соғлиқни сақлаш хизматлари	41,8	111,3	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	58,1	107,7	2,6
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	45,1	105,5	2,1
Шахсий хизматлар	46,3	102,8	2,1
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	24,2	91,6	1,1
бошқа турдаги хизматлар	59,9	107,8	2,7

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (30,7 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (22,9 фоизи), молиявий (16,3 фоизи), таълим (6,2 фоизи) ва алоқа ва ахборотлаштириш (4,6 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (ўтган йилга нисбатан 51,6 фоизга кўп), алоқа ва ахборотлаштириш (12,4 фоизга кўп), соғлиқни сақлаш хизматлари (11,3 фоизга кўп), таълим хизматлари (7,1 фоизга кўп) ўсиш юқори бўлди.

2020 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши, фоизда



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (60,5 фоиз), Гиждувон тумани (10,3 фоиз), Бухоро тумани (3,7 фоиз), Вобкент тумани (3,5 фоиз) ни ташкил этган бўлса, Олот (2,2 фоиз), Когон (2,1 фоиз) ва Қоровулбозор туманлари (1,5 фоиз) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар
(*туман ва шаҳарлар кесимида*)

	Жами	
	млрд. сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан, фоиз ҳисобида
Вилоят бўйича	2194,0	109,7
Бухоро ш.	1328,5	113,4
Когон ш.	71,6	105,6
<i>туманлар</i>		
Бухоро	80,8	104,8
Вобкент	76,7	107,2
Жондор	50,3	103,9
Когон	45,3	105,5
Олот	48,6	104,3
Пешкў	54,1	105,2
Ромитан	65,7	104,2
Шофиркон	50,8	104,4
Қоракўл	62,2	104,2
Қоровулбозор	32,7	90,6
Ғиждувон	226,7	105,1

Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмидаги энг кичик ҳажми қуйидаги ҳудудлар Қоровулбозор (32,7 млрд.сўм), Когон (45,3 млрд.сўм) ва Олот (48,6 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар орасида юқори ўсиш суръатлари Бухоро (113,4 фоиз) шаҳри, шу билан бирга Вобкент (107,2 фоиз), Когон (105,5 фоиз), ҳамда Ғиждувон (105,1 фоиз) туманларида кузатилди.

Энг паст ўсиш суръатлари Жондор (103,9 фоиз) ва Қоровулбозор (90,6 фоиз) туманларида кузатилди.


Ҳозирги кунда республикада улгуржи ва биржа савдо корхоналарининг фаолияти учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда чакана савдо тармоғи фаол ривожланмоқда. Савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмининг сезиларли қисмини ташкил қилади.

2020 йил январь-март ойларида савдо хизматлари ҳажми 673,1 млрд.сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида улуши 30,7 фоизни ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан савдо хизматларининг ўсиш суръати 103,9 фоизни ташкил этди.

Савдо хизматларининг энг катта ҳажми Бухоро шаҳри (202,2 млрд. сўм), Ғиждувон (137,8 млрд. сўм), Бухоро (44,0 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.

Худудлар кесимида савдо хизматларининг ҳажми, млрд.сўм
(2020 йил январь-март)



Савдо хизматлари бўйича энг паст кўрсаткич Қоровулбозор туманида кузатилди. Ушбу ҳудудда савдо хизматлари ҳажми 9,0 млрд. сўмга тенг бўлди.

Аҳоли даромадлари даражасининг ошиши билан истеъмол талаби ва савдо айланмаси кўлами ўсмоқда. Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга. 2020 йил январь-март ойларида унинг улуши 82,7 фоизни ташкил этди.

Улгуржи савдо хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 10,9 фоизни ташкил этди.

Автомобил ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, автомобил ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларни қўшган ҳолда умумий савдо хизматларининг 6,4 фоизни ташкил қилади.

Савдо хизматлари таркиби, фоиз (2020 йил январь-март)




Транспорт хизматларининг энг катта қисми автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш хизматлари ҳисобига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида транспорт хизматларининг ҳажми 501,6 млрд. сўмга тенг бўлди. Уларнинг ўсиши 101,9 фоизни ташкил этди.

Юқори ўсиш суръатлари Вобкент (106,7 фоиз), Когон (105,1 фоиз) ва Ғиждувон (104,7 фоиз) туманларида қайд этилди.

Худудлар кесимида транспорт хизматларининг ҳажми, млн. сўм
(2020 йил январь-март)



Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан транспорт хизматларининг унча юқори бўлмаган ўсиш суръати, Шофиркон (103,7 фоиз) ва Бухоро (102,4 фоиз) туманларида қайд этилди.


Таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар биринчи навбатда онг ва фикрлашдаги ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, маънавиятни юксалтиришга ҳисса қўшади.

Бугунги кунда ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида мактабларни замонавий лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва янги авлод методик материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йил январь-март ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 135,0 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 107,1 фоизни ташкил этди.

Худудлар кесимида таълим хизматларининг ўсиш суръати, фоиз


(2020 йил январь-март)



Таълим соҳасидаги хизматлар бўйича юқори ўсиш суръатлари Ромитан туман (113,8 фоиз) ва Бухоро (108,6 фоиз) шаҳри кузатилди.

2020 йил январь-март ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 41,8 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 111,3 фоизни ташкил этди.

Худудлар кесимида соғлиқни сақлаш хизматларининг ўсиш суръати, фоиз
(2020 йил январь-март)




Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар бўйича юқори ўсиш суръатлари Когон шаҳри (129,7 фоиз), Олот (122,2 фоиз), Жондор (118,5 фоиз) ва Қоровулбозор (115,8 фоиз) туманларида кузатилди.

Ўтган йилга нисбатан бу хизматларнинг унча юқори бўлмаган ўсиши Когон (112,6 фоиз), Ромитан (110,7 фоиз) туманларида ва Бухоро (113,8 фоиз) шаҳрида қайд этилди.

2020 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1138,8 минг сўмни ташкил қилди ва ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 108,0 фоизни ташкил этди.


**2020 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар
бўйича аҳоли жон бошига ҳажмлар, минг сўм**



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Бухоро шаҳрида 4736,4 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,4 фоизни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Шофиркон (287,1 минг сўм), Жондор (288,8 минг сўм) ва Қорақўл (379,3 минг сўм) туманларида кузатилди.

**2020 йил январь-март ойларида шахар ва туманлар
бўйича аҳоли жон бошига ўсиш суръати, *фоиз ҳисобида***



Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ҳодиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни қондириш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.

XII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1929,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 5,2 минг кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Бухоро вилоятининг доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2020 йил 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоиз		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Бухоро вилояти	1929,1	711,2	1217,9	100,3	100,2	100,3
Бухоро ш.	280,8	256,1	24,7	100,2	100,2	100,4
Когон ш.	61,2	61,2	-	100,2	100,2	-
<i>туманлар</i>						
Бухоро	166,7	38,0	128,7	100,3	100,3	100,3
Вобкент	139,9	27,3	112,6	100,3	100,4	100,3
Жондор	174,4	33,6	140,9	100,3	100,3	100,3
Когон	78,3	5,6	72,7	100,4	100,0	100,4
Олот	99,2	37,1	62,1	100,3	100,3	100,3
Пешкў	122,9	15,6	107,3	100,3	100,6	100,3
Ромитан	141,6	35,4	106,2	100,4	100,3	100,4
Шофиркон	177,4	41,0	136,3	100,2	100,2	100,2
Қоракўл	164,2	62,6	101,6	100,2	100,3	100,2
Қоровулбозор	18,3	10,4	7,9	100,0	100,0	100,0
Ғиждувон	304,2	87,3	216,9	100,3	100,2	100,3


Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари кесимида 2020 йил 1 апрель ҳолатига энг кўп аҳоли сони Гиждувон туманида 304,2 минг кишини (вилоят аҳоли сонигаги улуши 0,3 фоиз), Бухоро шаҳрида 280,8 минг кишини (0,2 фоиз), Шофиркон туманида 177,4 минг кишини (0,2 фоиз) ва Жондор туманида 174,4 минг кишини (0,3 фоиз) ташкил этди.

Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши
(2020 йил 1 апрель ҳолатига Бухоро вилояти жами аҳолисига нисбатан, фоизда)



Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2020 йил 1 январь ҳолатига; жамига нисбатан фоизда ¹⁾)




2020 йил январь-март ойларида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2019 йил	2020 йил ¹⁾	ўсиш, камайиш	2019 йил	2020 йил ¹⁾
Туғилганлар	7894	8028	134	16,9	16,8
Ўлганлар	1792	1890	98	3,8	3,9
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	63	71	8	8,1	7,0
Табиий ўсиш	6102	6138	36	13,1	12,9
Никоҳлар	3632	3326	-306	7,8	6,9
Ажралишлар	499	465	-34	1,1	1,0

¹⁾ дастлабки маълумот


2020 йил январь-март ойларида аҳолининг табиий ҳаракати

(ҳар 1000 кишига)




Доимий аҳоли сони

(2020 йил 1 апрель ҳолатига, минг киши)



Туғилиш. 2020 йил январь-март ойларида туғилганлар сони 8028 кишини (бу ерда ва бундан кейин туғилганлар сифатида фақат тирик туғилганлар инобатга олинган) ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (7894 киши) нисбатан 134 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,8 промиллени ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (16,9 промилле) нисбатан 0,1 промиллега камайди.

Худудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти
(2020 йил январь – март)



Маълумот учун:
2020 йил январь-март ойларида энг кўп туғилиш январь ойида, яъни 2825 қайд этилганлиги кузатилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Бухоро шаҳри (14,6 промилледан 18,3 промиллега), Ғиждувон (17,6 промилледан 18,3 промиллега) туманларида, Ромитан (15,7 промилледан 16,4 промиллега) ва Пешкў (16,1 промилледан 16,4 промиллега) шаҳрида қайд этилди.

Маълумот учун:

Охирги 3 йилликда Бухоро вилоятида энг юқори туғилиш 2019 йилда, яъни 41,3 минг бола, 2018 йилда, яъни 40,3 минг бола, аксинча энг паст – 2017 йилда, яъни 37,2 минг бола қайд этилгани кузатилди.

Ўлим даражаси. 2020 йил январь-март ойларида ўлганлар сони 1890 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (1792 киши) нисбатан 98 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 3,9 промиллени ташкил қилди (2019 йил январь-мартда – 3,8 промилле).

Маълумот учун:

2020 йил январь-март ойларида энг кўп ўлим февраль ойида, яъни 693 киши қайд этилгани кузатилди.

Худудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффициенти

(2020 йил январь – март)




Ўлим сонининг кўпайиши Когон шаҳри (4,7 промилледан 5,6 промиллега), Когон (4,2 промилледан 4,7 промиллега), Қоровулбозор (1,8 промилледан 2,4 промиллега) ва Гиждувон (3,8 промилледан 4,2 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим коэффициентининг паст даражаси Олот (3,8 промилледан 3,4 промиллега), Шофиркон (4,3 промилледан 3,4 промиллега) туманларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 62,9 фоиз қон айланиш тизими касалликларидан, 9,3 фоиз ўсимталардан, 5,0 фоиз бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 4,0 фоиз овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 5,9 фоиз нафас олиш аъзолари касалликларидан, 0,9 фоиз юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,0 фоиз бошқа касалликлардан вафот этган.

2020 йил январь-март ойларида ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши
(жами вафот этганларга нисбатан фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 71 нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффициенти 7,0 промиллени (2019 йил январь-март ойларида – 8,1 промилле бўлган) ташкил этди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 57,1 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 11,9 фоизи нафас олиш аъзолари касалликларидан, 15,5 фоизи туғма аномалиялардан, 9,5 фоизи юқумли ва паразитар касалликлардан, 1,2 фоизи ва бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 4,8 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1323 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2273 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 950 кишига (2019 йилнинг шу даврида минус 812 киши) тенг бўлди.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Бухоро (минус 319) шаҳар, Ғиждувон (минус 216), ҳамда Жондор (минус 117) туманларида қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Бухоро (плюс 69) ва Ромитан (плюс 44) туманида кузатилди.

**Аҳоли миграцияси
(январь-март, киши)**

	Келиш		Кетиш		Миграция сальдоси	
	2019йил	2020йил	2019йил	2020йил	2019йил	2020йил
Бухоро вилояти	1200	1323	2012	2273	-812	-950
Бухоро ш.	239	200	516	519	-277	-319
Когон ш.	38	-	131	114	-93	-114
<i>туманлар</i>						
Бухоро	221	238	131	169	90	69
Вобкент	132	102	133	174	-1	-72
Жондор	73	41	87	158	-14	-117
Когон	117	135	53	93	64	42
Олот	51	28	53	-	-2	-53
Пешкў	59	72	53	91	6	-19
Ромитан	24	130	85	86	-61	44
Шофиркон	102	131	185	227	-83	-96
Қоракўл	24	40	153	125	-129	-85
Қоровулбозор	49	28	32	42	17	-14
Ғиждувон	71	178	400	394	-329	-216

Никоҳлар. 2020 йил январь-март ойларида ФХДЁ органларида 3326 та никоҳлар олинган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан 6,9 та никоҳ (2019 йилнинг тегишли даврида –7,8 та) тузиш коэффициенти 0,9 промиллега камайди.

Маълумот учун:

2020 йил январь-март ойларида энг кўп никоҳ январь ойида, яъни 1319 минг бирлик қайд этилгани кузатилди.

Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли ўсиши Қоровулбозор тумани (5,4 дан 7,5 промиллега) ва Бухоро шаҳрида (6,7 дан 7,4 промиллега) кузатилди.

Худудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффициенти¹⁾
(январь-март)



Никоҳдан ажралишлар. 2020 йил январь-март ойларида ФХДЁ органлари томонидан 465 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан 1,0 та никоҳдан ажралишлар (2019 йилнинг тегишли даврида –1,1 та) нисбатан 0,1 промиллега камайган.

Маълумот учун:

2020 йил январь-март ойларида энг кўп никоҳдан ажралиш январь ойида, яъни 195 бирлик қайд этилгани кузатилди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Бухоро туманида (0,8 дан 1,3 промиллега) ва Когон шаҳрида 1,7 дан 2,1 промиллега кузатилди.

Худудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти
(январь-март)




XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи¹⁾ 2020 йил март ойида 2398,1 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 25,1 фоизга ўсди.

Январь – март ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан энг юқори ўсиши иқтисодий фаолият турларининг қурилиш соҳасида (178,8 фоизга), банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятларида (151,3 фоизга), ахборот ва алоқа (136,2 фоизга) кузатилди.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдори иқтисодий фаолият турларининг банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида 4888,7 минг сўм (вилоят бўйича ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 2,0 марта кўп), ташиш ва сақлашда 3337,2 минг сўм (139,2 фоизга), саноатда 3273,0 минг сўм (136,5 фоизга), қурилиш соҳасида 2350,6 минг сўм (98,0 фоизга) кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь-март)**



¹⁾ Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача
ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	Январь-март		Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, фоиз	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Жами вилоят бўйича:	1917,3	2398,1	-	-
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	2757,9	2373,0	143,8	136,5
Қурилиш	1314,7	2350,6	69,0	98,0
Савдо	1479,2	1852,3	77,2	77,2
Ташиш ва сақлаш	2833,7	3337,2	147,8	139,2
Ахборот ва алоқа	1967,2	1947,0	102,6	81,2
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	3231,2	4888,7	168,5	2,0 м.
Таълим	1686,8	2077,5	88,0	86,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1552,8	2040,6	81,0	85,1
Бошқа фаолият турлари	1683,0	2096,3	87,8	87,4

Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2077,5 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 123,2 фоизга ўсди.

**Таълим иқтисодий фаолияти бўйича ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи**
(2020 йил январь -март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақидан баланд
Бухоро шаҳри 2557,1 минг сўм
Когон тумани 2388,7 минг сўм
Когон шаҳри 2385,1 минг сўм

Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақидан паст
Вобкент тумани 1682,9 минг сўм
Пешкў тумани 1691,4 минг сўм
Олот тумани 1491,4 минг сўм

Таълим соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини Вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори, Бухоро шаҳрида 2557,9 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 123,1 фоиз), Когон туманида 2388,7 минг сўмни (115,0 фоиз) ва Когон шаҳрида 2389,4 минг сўмни (114,3 фоиз) ташкил этган бўлса, Вобкент туманида 1683,4 минг сўмни (81,0 фоиз), Пешкў туманида 1691,8 минг сўмни (81,4 фоиз), Олот туманида 1810,9 минг сўмни (87,2 фоиз) ташкил этиб, бошқа ҳудудларға нисбатан кам миқдорға эға бўлмоқда.

Саноат соҳасида ишловчиларға ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3273,0 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос давриға нисбатан 122,5 фоизға ўсди.

**Саноат иқтисодий фаолияти бўйича ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи**



(2020 йил январь -март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)




Саноат соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Қоровулбозор туманида 5124,6 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 156,6 фоиз), Пешкў туманида 3917,4 минг сўмни (119,7 фоиз), ташкил этган бўлса, Жондор туманида 1532,8 минг сўмни (46,8 фоиз) ва Когон туманида 1521,5 минг сўмни (46,5 фоиз) ташкил этиб, бошқа ҳудудларға нисбатан кам миқдорға эға бўлмоқда.

**Қурилиш иқтисодий фаолияти бўйича ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи**



(2020 йил январь -март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)




Қурилиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2350,6 минг сўмни, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 178,8 фоизни ташкил этди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Шофиркон туманида 3027,1 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 128,8 фоиз), Қоровулбозор туманида 2693,0 минг сўмни (114,6 фоиз), Когон туманида 2675,7 минг сўмни (113,8 фоиз) бўлса, Бухоро туманида 1742,7 минг сўмни (74,1 фоиз), Қорақўл туманида 1726,7 минг сўмни (73,5 фоиз), Бухоро шаҳрида 1517,6 минг сўмни (64,6 фоиз) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорға эға бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида ишловчиларға ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2040,6 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос давриға нисбатан 133,2 фоизға ўсди.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь -март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Мазкур соҳалардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Пешкў туманида 2541,2 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 124,5 фоиз), Бухоро туманида 2359,4 минг сўмни (115,6 фоиз), Қоровулбозор туманида 2225,5 минг сўмни (109,1 фоиз) ташкил этган бўлса, Олот туманида 1964,0 минг сўмни (96,2 фоиз), Бухоро шаҳрида 1933,6 минг сўмни (94,8 фоиз), Когон туманида 1852,4 минг сўмни (90,8 фоиз), ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4888,7 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 151,3 фоизга ўсди.



Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақидан баланд	Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақидан паст
Қоровулбозор шаҳри 13053,8 минг сўм	Жондор тумани 2634,4 минг сўм
Қорақўл тумани 5768,3 минг сўм	Пешкў тумани 2180,5 минг сўм
Ғиждувон тумани 5572,7 минг сўм	Когон тумани 1981,9 минг сўм

Ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, энг юқори миқдори Қоровулбозор туманида 13053,8 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан (2,7 марта кўп), Қорақўл туманида 5768,3 минг сўмни (118,0 фоиз), Ғиждувон туманида 5572,7 минг сўмни (114,0 фоиз) этган бўлса, Жондор туманида 2634,4 минг сўмни (53,9 фоиз), Пешкў туманида 2180,5 минг сўмни (44,6 фоиз), Когон туманида 1981,9 минг сўмни (40,5 фоиз) ташкил этиб бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Бухоро вилояти бўйича ўртача ойлик номинал
хисобланган иш ҳақи**
(2020 йил январь -март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



**Вилоятдаги ўртача
ойлик иш ҳақидан баланд**

**Қоровулбозор тумани
3710,1 минг сўм**

**Когон шаҳри
3189,4 минг сўм**

**Бухоро шаҳри
2505,1 минг сўм**

**Вилоятдаги ўртача
ойлик иш ҳақидан паст**

**Жондор тумани
1911,2 минг сўм**

**Пешкў тумани
1883,6 минг сўм**

**Вобкент тумани
1806,8 минг сўм**

Ўртача ойлик иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Пешкў (1883,9 минг сўм) ва Вобкент (1807,1 минг сўм) туманларида кузатилди. Бу туманларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан мос равишда кам бўлган.



Бухоро вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	Январь- март		Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, фоиз	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Бухоро вилояти	1917,3	2398,1	х	х
Бухоро ш.	1970,4	2505,4	102,8	104,5
Когон ш.	2746,7	3188,8	143,3	133,0
<i>туманлар</i>				
Бухоро	1712,2	2105,1	89,3	87,8
Вобкент	1542,7	1807,1	80,5	75,4
Жондор	1550,9	1911,5	80,9	79,7
Когон	1569,6	2214,9	81,9	92,4
Олот	1704,5	2039,4	88,9	85,0
Пешкў	1609,9	1884,0	84,0	78,6
Ромитан	1991,0	2295,0	103,8	95,7
Шофиркон	1626,4	2060,2	84,8	85,9
Қоракўл	1599,5	1976,6	83,4	82,4
Қоровулбозор	2330,0	3710,5	121,5	154,7
Ғиждувон	1698,0	1994,9	88,6	83,2

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

2020 йил январь-март

Наширга масъул:

*Статистика фаолиятини таъкил этиши
ва йиғма-ахборот таҳлилий ишлар бўлими*

Тел: (71) 230-82-98, (65)223-72-59

Буюртма рақами № 40 25.04.2020 й.

Тираж 10 нусха

Бухоро вилояти статистика бошқармаси
Бухоро ш., С. Айни кўчаси, 3